O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIT[illegible]



3

МУНОСИБ КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

ИШИМИЗДА ҲАММА НАРСА МУҲИМ

8

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН ДЕБ

10

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Постга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 12 август, шанба • 32 (3666)-сон

«ТОЗАЛАШ» ТАДБИРИ — ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

POSTDA • TV



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ХИТОЙЛИКЛАР ТУҲФАСИ

Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги алоқалар узоқ йилларга бориб тақалади. Айтиш жоизки, ҳар икки мамлакатнинг турли жабҳадаги ўзаро ҳамкорликлари борган сари ривожланиб бормоқда. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Юй Хунцюн раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Мартабали меҳмонларни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Ҳ. Ибрагимов қабул қилди.

– Бугунги маросимда иштирок этаётганимдан мамнунман, – дейди Юй Хунцюн жаноблари. – Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётгани кўнгилларни қувонтиради. Мазкур учрашув ҳам алоқаларимиз ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шундан сўнг Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Юй Хунцюн мамлакатимиз Ички ишлар вазирлигига оргтехника ва алоқа воситалари мажмуасини туҳфа этди.

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Хитой давлати томонидан тақдим этилаётган замонавий техника воситалари жиноятчиликка қарши кураш, жиноятларни қисқа муддатларда очишда муҳим омил бўлмоқда, – деди Ҳ. Ибрагимов учрашув чоғида. – Бундай беминнат ёрдам учун чексиз миннатдормиз. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам ҳамкорлигимиз юксалиб бораверади.

Ўз мухбиримиз.
Суратда: ***маросим пайти.***

ТАЙИНЛАНДИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи, полковник Икрамов Шавкат Тоҳирович

Икрамов Шавкат Тоҳирович 1959 йил 4 декабрда Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган. Маълумоти олий, 1982 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган. 1982 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилади. 1991 йилдан 2002 йилгача Тошкент вилояти ички ишлар идораларида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. Шундан сўнг 2005 йилгача Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида фаолият кўрсатган. 2005-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, полковник Ахмедбаев Адхам Акрамович

Ахмедбаев Адхам Акрамович 1962 йил 14 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 1984 йилда Тошкент Давлат университетини, 2004 йилда ИИВ Академиясини тамомлаган. 1984 йилдан бошлаб ички ишлар идораларида хизмат қилади. 1984 йилдан 2001 йилгача Тошкент шаҳар ички ишлар идораларида турли лавозимларда хизмат қилган. 2001 йилдан 2004 йилгача Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Республика Қўриқлаш Бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ ҳузуридаги хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминловчи алоҳида милиция батальони командири, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи лавозимларида хизмат қилган. 2004 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида фаолият кўрсатган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Нурматов Сайфулло Очилович

Нурматов Сайфулло Очилович 1959 йил 2 декабрда Бухоро вилояти Қоракўл туманида туғилган. Маълумоти олий, 1982 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган. 1982 йилдан бошлаб ички ишлар идораларида хизмат қилади. 1982 йилдан Бухоро вилояти ички ишлар идораларида турли лавозимларда хизмат қилиб, 2001 йилда Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Тергов бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланган. Ушбу лавозимда 2006 йилгача хизмат қилиб келди.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

БИР ТАН, ЖОН БЎЛИБ

Маълумки, Қашқадарё вилояти Тожикистон ва Туркманистон Республикалари билан чегарадош. Чегаралар-нинг аксарият қисми тоғли ҳудудлар, қолганлари чўл зоналарига тўғри келади. Бу жойларда хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимлари ҳудудда яшаётган ҳар бир инсонни яхши билишлари шарт. Шаҳрисабз тумани ички ишлар ходимлари томонидан «Тозалаш» тадбири уюшқоқлик билан олиб борилаяпти.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонлари, фаоллар ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш, қонунбузарликларга йўл қўймаслик, одамларни огоҳликка даъват этиш учун бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишаяпти. «Сарчашма», «Камар» ва «Ғилон» чегара ҳудудларига вилоят ИИБ тоғли ҳудуд жиноят қидирув бошқармаси бўлинма бошлиқлари, катта лейтенант Улуғбек Каримов, капитанлар Бахтиёр Мирзаев ва Хушвақт Боймирзаевлар бириктирилган. Улар мунтазам ҳудудларни айланиб, вазият билан танишишаяпти, аҳолини ҳушёр бўлишга ундаб, тушунтириш ишлари олиб боришаяпти.

Бевосита маҳалла ва турар жойларда фаолият олиб бораётган милиция таянч пунктларида ҳам ишлар қизғин. Айни пайтда туманда 32 та милиция таянч пункти мавжуд. Уларнинг барчаси зарур жиҳозлар ва алоқа воситалари билан таъминланган. Бирор вазият юзага келса ҳар қанча олисда бўлмасин, ички ишлар бўлими билан тезликда боғланиш имконияти бор. 128-милиция таянч пункти «Кеш» ва «Пахтакор» маҳаллаларига хизмат кўрсатади. Профилактика инспектори, капитан Равшан Рўзиев маҳалла посбонлари сардори Худойқул Йўлдошев, маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллар билан ҳамкорликда фаолият юритаяпти. Ҳозирда чегара ҳудудларда «Огоҳлик – давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг асра» каби мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилаяпти. Паспорт тизими ходимлари билан эса уймауй юришиб, аҳоли паспорт тартиботи қоидаларига қандай амал қилаётганини назоратдан ўтказишаяпти. Бундан кўзланган мақсад бегона одамларнинг ноқонуний равишда мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши, турли диний норасмий оқимлар пайдо бўлишининг олдини олишдир.

Китоб туманидаги «Паландара» қишлоғи қадимдан жозибаси, бетакрор табиати билан донг таратган. Қишлоқ аҳли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Одамлар кўтаринки кайфиятда меҳнат қилаётгани, уларни яратувчиликка ундаётган куч бу – чегара ҳудуддаги тинчлик ва барқарорликдир.

– Бунга эришиш нафақат ички ишлар ходимлари, балки ҳаммамизнинг вазифамиздир, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хосият Алиқулова. – Фуқароларимиз «ойда бир кун ўз уйинг, ўз қишлоғингни қўриқлаб, йигирма тўққиз кун тинч ухла», деган шиорга амал қилишаяпти. Фаоллар тунги гуруҳларда иштирок этиб, осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшишаяпти. 215-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Абдулла Юсупов ва паспорт тизими ходимлари фуқароларнинг яшаш шароити, қишки мавсумга тайёргарлиги, паспорт тартиботи қоидаларига риоя қилинаётганини текшириб боришаётгани яхши самара бермоқда.

Тумандаги биргина мазкур масканда эмас, бошқа қишлоқларда ҳам одамларни ҳушёрликка чақириш, огоҳликка даъват этиш учун кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Бу эса ҳар бир кун тинч, осуда ўтиши, тобора гуллаб-яшнаб бораётган юртимизда бунёдкорлик ишлари янада кўтаринки руҳда давом этишида муҳим омилдир.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.

МУНОСИБ КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг ички ишлар идоралари ходимларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисидаги Муваққат Низомда ички ишлар идоралари хизматига қабул қилиш, хизматни ўташ, ходимларни лавозимдан-лавозимга ўтказиш, шаҳодатлаш, уларга махсус унвонлар, меҳнат таътиллари бериш, ходимларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарликлари, хизматдан бўшатиш тартиблари белгилаб берилган.

Ички ишлар идоралари хизматига 18 ёшга тўлган, лекин 30 ёшдан ошмаган ички ишлар идоралари олдига қўйилган вазифаларни бажаришга лаёқатли, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ҳамда амалдаги қонунчилик асосида ҳарбий хизматни ўтамаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар. Ички ишлар идоралари хизматига қабул қилинадиган эркакларнинг бўйи 170 сантиметрдан, хотинқизларнинг бўйи эса 165 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасаларига 17 ёшдан 25 (Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртига 17 ёшдан 21) ёшгача бўлган ўрта маълумотли, хизматга қабул қилинаётган номзодларга қўйиладиган талабларга жавоб бера оладиган фуқаролар ва ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлар қабул қилиниши мумкин. Ички ишлар идоралари хизматига аввал жиноят содир этган ҳамда яшаш, иш ва ўқиш жойидан салбий тавсифланувчи шахслар қабул қилинмайди.

Бундан ташқари, ички ишлар идораларининг маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, молия-иқтисод, муҳандис-техник ва тиббиёт бўлинмаларининг офицерлар таркиби лавозимларига 35 ёшгача бўлган фуқаролар (агарда улар хизмат қилиш учун белгиланган ёшга тўлганларида, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлсалар) қабул қилинишлари мумкин. Ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари имзоланди.

Ушбу Фармон ва қарорлар талаблари ҳамда Президентимиз И. Каримовни **«Милиция сафида хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг қадди — қомати келишган, чеҳраси ёруғ, истараси иссиқ, озода ва тартибли кийинган ҳамда бошқаларга ўрнак бўладиган интизомли бўлиши керак. Шунингдек, халқнинг осойишталигини таъминлашда ўз касбига меҳр қўйиб, виждонан хизмат қилишлари, халқимиз эса, ўзларининг бундай посбонлари ва ҳимоячилари борлигига ишониб, фахрланиб юришлари лозим»** — деб айтган гапларидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар идоралари хизматига қабул қилиш, уларни дастлабки тайёрлаш тизимларига ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 2006 йилда ички ишлар идораларининг йўл-патруль ва патруль-пост хизматларига бўйи 180 сантиметрдан паст бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қабул қилиниши лозимлиги белгилаб берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар, Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ИИБлари оддий ва кичик бошлиқлар таркибини дастлабки тайёргарлик ўқув марказлари негизида 2006 йилнинг апрель ойидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказлари ташкил этилди. Бундан ташқари, номзодларни танлов асосида қабул қилиш тизими ҳам қайта кўриб чиқилди. Аввалларида номзодларга шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари жойлардаги ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштирилар, тиббий кўрикдан ўтиб бўлганларидан сўнг ички ишлар идоралари хизматига кириш учун она тилидан диктант ва жисмоний тайёргарликдан белгиланган меъёрларни топширишар эди. Ушбу танловга барча ички ишлар идоралари томонидан ягона ёндашув бўлмаган. Шунингдек, жамлаб олинган номзодлар бошланғич тайёргалик ўқув марказида номзод сифатида ўқиб келганидан кейин лавозимларга тайинланар эди.

Ҳозирда амалда бўлган тизим Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида»ги қонунлари талаблари ҳамда Вазирлик раҳбариятининг ички ишлар идораларига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймаслик, ички ишлар идоралари тизимларини нопок шахслардан тозалаш, ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига ишонч ҳамда хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш принциплари асосида ишлаб чиқилган.

Янги тизим амалга жорий этилиши билан тизимга турли тоифадаги шахсларнинг кириб қолишига барҳам берилди.

Бу тизим асосида қабул имтиҳонлари ягона ёндашув асосида ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг қабул комиссияси ва жойларга юбориладиган Вазирлик ШТБИХ ходимларидан иборат ҳудудий комиссиялар томонидан ташкил этилади.

Транспорт ИИБ тизимларига хизматга номзодларнинг танлови тармоқ ИИБ жойлашган ҳудудда ўтказилади.

Қабул имтиҳонлари номзодлардан жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлар ва тест синовларини олишдан иборат бўлиб, натижалар рейтинг тизими асосида баллар кўламида ҳисобланади.

Номзодлар жисмоний тайёргарликдан имтиҳонларни қуйидаги турлар бўйича топширадилар:

йигитлар учун — 100 ва 3000 метрга югуриш, турникда тортилиш;

аёллар учун — 100 ва 1000 метрга югуриш, комплекс куч ишлатиш машқларини бажариш.

Номзодлар тест синовларини 3 та саволлар мажмуаси (жами 108 та савол) кўламида топширадилар:

— умумтаълим йўналиши бўйича — 36 та савол;

— маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик даражаси бўйича — 36 та савол;

— ахлоқий-руҳий тайёргарлик даражасини, мантиқий фикрлаш савиясини, хизматга кириш сабабларини аниқлаш бўйича — 36 та савол.

Номзодлар билан қабул имтиҳонларини ўтказиш давомида белгиланган тартибда аппеляция комиссиялари ҳам иш юритади. Қабул имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган номзодга Вазирликнинг амалдаги буйруқлари талаблари асосида шахсий ҳужжатлар йиғма жилди расмийлаштирилади. Сўнгра жойлардаги жамловчи идоралар бошлиқларининг буйруқлари билан бўш лавозимга тайинланади ҳамда шу буйруқнинг тегишли бандига кўра Марказга бошланғич тайёргарликдан ўтиш учун хизмат сафарига юборилади.

Сафдорлар таркиби лавозимларига тайинланган ходимлар билан Марказда 3 ойлик ўқув дастури асосида машғулотлар ўтказилади. Махсус ўқув дастурлари асосида ташкил этиладиган бошланғич тайёрловдан муваффақиятли ўтган ходим эгаллаган лавозими бўйича хизматни давом эттириши учун хизматни ўташ жойига юборилади.

К. Маҳмудов.
ШТБИХ бўлим бошлиғи ўринбосари, майор.



ЮКСАК НОМГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими республика Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Касб одобномаси»га амал қилган ҳолда хизмат вазифасини ўтамоқда. Айнан мана шу мўъжазгина китобчада ҳаётини ички ишлар соҳасига бағишлаган инсон қандай хислатларга эга бўлиши ёрқин ўз ифодасини топган. Масалан:

«Мустақил Ўзбекистон ички ишлар идораларининг ходими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларига бўйсунади. Давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясини, хизматнинг рамзий белгилари, анъаналари, маросимларини ҳурмат этади, эъзозлайди. Халқ хизматида бўлишни юксак шараф, деб ҳисоблайди. Хизмат бурчини ҳалол бажариб, фуқароларнинг жамиятда тутган ўрнидан, миллатидан, сиёсий қарашлари ва диний эътиқодларидан қатъий назар, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилади».

«Ходим турли кўринишдаги адолатсизликка, амалпарастликка, манмансирашликка, шуҳратпарастликка йўл қўймай, бу иллатларга қарши мунтазам равишда қатъийлик билан кураш олиб боради. Ҳамиша ўзининг эътиқодига содиқ қолиб, хизмат фаолиятини амалга оширишда, қонунга риоя қилишда, бошлиқларнинг буйруқларини бажаришда ўрнак бўлиши лозим».

Ички ишлар ходимлари мустақил давлат пойдеворини қўйиш, Конституция асосида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат берилиши, республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Ички ишлар идораси ходими деганда, ўз ҳаётини жиноятчиликка қарши курашишга ва хавфсизликни таъминлашга бағишлаган инсон кўз ўнгимизда намоён бўлади. Биз шундай шарафли ва масъулиятли касб эгаси эканлигимиз, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш, умумхалқ мулкини кўз қорачиғидек асрашга катта ҳисса қўшаётганимиздан ғоятда ғурурланамиз.

Хизмат жараёнида ички ишлар ходими касб маҳоратини намойиш этиш билан бирга, касб маданияти ҳам юксак даражада эканлигини кўрсатиши лозим. Бунда у фуқаролар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижий меҳмонлар билан ўзаро мулоқотда хушмуомала бўлиб, тараққий этаётган юртимиз шарафини имкони борича кўтариши, мисқоллаб йиғилган давлатлараро обрў-эътиборни сақлаши, миллий урф-одатларимизга риоя этган ҳолда талабчанлик ҳамда ўта синчковлик билан ўзининг юксак номига доғ туширмаслиги лозим.

Миллий қадриятларимиз ҳаётимизга кўрку-зеб, кўнгилларга ифтихор бағишлайди. Биз жуда масъулиятли ва мураккаб даврда яшаяпмиз. Буни эл-юрти, она-Ватани олдидаги фуқаролик бурчини англаган ҳар бир ходимимиз яхши англаб олиши керак. Ана шунда инсон ҳаётининг мазмуни, моҳияти, яшаш тарзи ва мақсадини ифодаловчи ватанпарварлик деган тушунча қалбларимизга жо бўлади, муқаддас мақсадларни амалга ошириш имконияти туғилади.

Ички ишлар ходимлари «Касб одобномаси» талабларига тўлиқ риоя қилсаларгина муомалада, ташқи кўринишда, хизматда, жамоатчилик орасида, оилавий ҳаётда, ҳатто дам олиш вақтларида ҳам маданиятли бўлишга интиладилар. Бу эса ўз касбларига муносиб бўлишларида муҳим аҳамият касб этади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, гуруч курмаксиз бўлмас деганларидек, ички ишлар ходимлари орасида ҳам баъзан фуқароларга беписандларча муомала қиладиганлари ҳам учраб туради. Бу эса кишини ўйлантириб қўяди. Негаки, биргина ходимни деб кишиларда ички ишлар идораларига нисбатан нотўғри фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Шундай экан, ҳар бир ички ишлар ходими «Касб одобномаси»да белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиб, ўз вазифаси, бурчига масъулият билан ёндашмоғи даркор.

П. ДУШАЕВ,
подполковник.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИНИНГ СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ОЛИЙ КУРСЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўрта-махсус, олий маълумотга эга 25 ёшдан ошмаган бўйи-басти 170 сантиметрдан паст бўлмаган, ҳақиқий ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақируви резерви хизматида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ўзининг ахлоқий-касбий хислатлари, соғлиғининг ҳолатига кўра ички ишлар идораларида хизматни ўташга лаёқатли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинадилар.

Ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл-патруль йўналишлари бўйича хизматларга ва Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кириш хоҳишини билдирган номзодларнинг бўйи камида 180 сантиметр бўлиши лозим.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кириш учун ички ишлар идоралари ва тизимларида камида 3 йил давомида хизмат ўтаётган, ўрта-махсус ёки олий маълумотга эга ҳамда сержантлар таркиби лавозимларига тайинланиши режалаштирилаётган сафдорлар ҳам танловда иштирок этиши мумкин.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида ички ишлар идоралари ва тизимларининг талаб-эҳтиёжлари асосида сержантлар таркиби тайёрлови амалга оширилади.

Олий курсларда ўқиш муддати — 6 ой.

Курсантлар ўқиш давомида бепул озиқ-овқат, махсус кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Шунингдек, уларга стипендия ҳам тўлаб борилади.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кирувчи номзодлар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлар асослари, касбий-руҳий тайёргарлик бўйича тест синовларини топширадилар ҳамда улардан жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлар қабул қилинади.

Номзодлар қабул имтиҳонлари ва тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига танлов 2006 йилнинг сентябрь ойининг 2-декадасида ўтказилади.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кириш хоҳишини билдирган номзодлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ва вилоятлар ИИБлари Шахсий таркиб билан ишлаш хизматларига мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХнинг телефон рақамлари:

шаҳар 139-72-11, 139-76-09, 139-73-71,
ички 32-11, 36-09, 33-71

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати.

«ТОЗАЛАШ» ТАДБИРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Энг улуғ ва қутлуғ айём – Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида ҳамда байрам кунлари юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш, барқарорлик ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида республика ички ишлар идоралари томонидан «Тозалаш» махсус тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилган мазкур тадбир давомида хонадонлар, турли объектлар, жиноят содир этишга мойил шахслар ва жиноятчилар яшириниши мумкин бўлган жойлар текширилаяпти.

Республика ИИВ Тезкор штабидан олинган маълумотга кўра, 2006 йилнинг 10 августига қадар текширув ва суҳбатлар натижасида 199,405 нафар фуқаро турли ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун ички ишлар идоралари навбатчилик қисмлари, жойлардаги милиция таянч пунктларига олиб келинди. Шулардан 8,251 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади.

Паспорт-виза қоидаларини бузган 38.151 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди. Қайд этилганлардан 2.669 киши реабилитация марказларига жойлаштирилган бўлса, 835 нафар чет эл фуқароси республика ҳудудидан чиқариб юборилди.

Олиб борилаётган тадбирлар самараси ўлароқ 9,146 нафар шахс профилактик ҳисобга, 837 нафари маъмурий назоратга олинди. Бунда тезкор ходимлар ва профилактика инспекторларининг ташаббусини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбир давомида ўқ отар қуролларнинг ноқонуний сақланишига жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, юқорида айтиб ўтилган вақт давомида 116 та ўқ отар қуроллар, 429 та ўқдорилар ва 274 та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар рўйхатга олинди.

Бундан ташқари, аввал қайд этилган 189 та жиноят очилди, қидирувдаги 241 нафар шахс ушланди, 44 нафар бедарак йўқолганларнинг тақдири маълум бўлди. Доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетиб, қайтиб келган 2.961 киши аниқланди.

Айни пайтда маҳалла, ташкилот, ўқув юртларида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган, шунингдек, аҳолини огоҳликка даъват этувчи учрашувлар, суҳбатлар ва мулоқотлар ўтказилмоқда.

МАҚСАД – ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Фарғона вилоятида кенг қамровли «Тозалаш» тадбири уюшқоқлик билан ўтказиляпти. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан бир қаторда фуқаролар ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Вилоят ИИБ ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан тадбир давомида белгиланган режаларни амалга ошириш учун туну кун хизмат ташкил этилган. Тадбир мобайнида содир этилган 89 та жиноят «иссиғида» фош қилинди. 18 нафар қидирувда юрган шахс аниқланиб ушланди. Шунингдек, 22 минг 442 нафар профилактик ҳисобда турувчи кимсалар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Кўп қаватли уйлардаги ҳеч ким яшамайдиган хонадонлар, фаолиятини тўхтатган ва ҳувиллаб қолган турли иншоотлар, дала ҳовлилари ва бошқа дам олиш масканлари, ташландиқ бинолар, жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар яшириниши мумкин бўлган жойлар синчиклаб кўздан кечирилмоқда.

Вилоят ИИБ 3-туманлараро эксперт-криминалистика бўлинмаси эксперти, лейтенант С. Исмоилов «Тозалаш» тадбирида.

Текширувлар жараёнида 6 минг 773 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Профилактик ҳисобда турувчи шахсларга нисбатан 260 та, паспорт тартиботини бузганларга нисбатан эса 1 минг 557 та маъмурий баённома тузилди. 215 нафар фуқаро реабилитация марказига жойлаштирилиб, 94 киши Ўзбекистон Республикасида яшаш қоидаларини бузганлиги учун ҳудуддан чиқариб юборилди.

Куни кеча вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари – кичик сержант Шуҳратжон Маткаримов ҳамда сафдор Акмалжон Турғунбоев белгиланган йўналишда хизмат олиб бориш давомида муқаддам содир этган жиноятлари учун қидирувда бўлган О. Искандарни ушладилар. У тергов идораларидан қочиб юриб, яна ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттирмоқчи бўлган эди. Искандар фуқаро Т. Элёрга ўзини «Бош прокуратура терговчисиман» дея таништириб, сохта гувоҳнома кўрсатиб, ижарага хонадон топиб беришни сўраётган пайтда уни ички ишлар ходимлари қўлга олишди.

Фарғона шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, майор Ш. Мўминов вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси ходими, сафдор А. Ортиқовга амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида тушунча бермоқда.

Эътиборли томони шундаки, «Тозалаш» тадбирида фаол иштирок этиб, зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажараётган ички ишлар ходимлари, эркин ёлланган ходимлар, ҳарбий хизматчилар ва фуқаролар ҳар куни ўтказилаётган йўриқнома жараёнида вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, вилоят ИИБнинг пул мукофотлари, эсдалик совғалари ҳамда Фахрий ёрлиқлари билан тақдирлаб бориляпти.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

ҲУШЁРЛИК – ХИЗМАТ МЕЗОНИ

Тошкент вилояти ҳудудида осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда «Тозалаш» профилактик тадбири ўтказилмоқда. Жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, айрим жиноятларни фош этишда 36 та хизмат итлари ёрдам бермоқда.

Масалан, 2 август куни Янгийўл шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир жараёнида шаҳарнинг Қатортол кўчасида яшовчи Р. Расул уйи олдида гумонланиб тўхтатилганда «Чапа» лақабли хизмат ити безовталаниб қолади. Холислар иштирокида кўздан кечирилганида унинг ёнида кукунсимон модда борлиги маълум бўлади. У экспертизадан ўтказилганида, оғирлиги 0,29 грамм бўлган героин гиёҳвандлик моддаси эканлиги аниқланади.

«Тозалаш» тадбири самарали бўлиши учун гуруҳлар ташкил этилиб, доимий рейдлар ўтказилиб борилмоқда. Натижада кўп қаватли уйлар, хонадонлар, гаражлар, ётоқхоналар, меҳмонхоналар, билим юртлари, турли иншоотлар, объектлар, шоҳбекатлар, темир йўл вокзаллари текширилди.

Текширувлар давомида 9136 та ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Паспорт тизими қоидаларини бузган 3077 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённома тузилди.

Тадбир бошидан буён гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиб, уни сақлаш, сотиш ва тарқатиш билан шуғулланган кимсалардан жами беш килограммга яқин гиёҳвандлик моддаси олинди. Оғунинг оғир оқибатлари ҳақида жойларда тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, ҳамон айрим кимсалар мўмай даромад илинжида ёхуд унинг домига тушганлар ўз эҳтиёжларини қондириш учун гиёҳвандлик моддаларини сақлаётгани ёки сотиб олаётганлар учраётгани ачинарлидир. Олмалиқ шаҳар ИИБ ходимлари тадбир давомида 1987 йилда туғилган А. Виталий 2 килограмм 450 грамм марихуанани олиб кетаётганда ушлашди.

Бундан ташқари, жиноят содир этиб терговдан қочиб юрган 13 нафар шахс ушланди, маъмурий назоратдаги 1 минг 308 нафар шахс текширувдан ўтказилди. Кўчакўйда, гузарларда, маҳаллаларда дайдиб юрган 199 нафар фуқаро реабилитация марказига жойлаштирилди.

Шерали АНВАРОВ,
капитан.

КЕНГ СУРЪАТДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Тўрақўрғон тумани ИИБ ходимлари томонидан «Тозалаш» тадбири кенг суръатда олиб борилмоқда. Яқинда Қатағонсарой қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Т. Жамила гумонланиб, холис гувоҳлар иштирокида текшириб кўрилганда, сотиш мақсадида 7,85 гр марихуана моддасини сақлаётгани фош этилди. Ёртепа қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи уй бекаси М. Мавлуда диний-экстремистик оқимга мойиллиги аниқланиб, махсус ҳисобга қўйилди. Шунингдек, фуқаро И. Шоҳсанам уйида ов қуролини ноқонуний равишда сақлаётгани аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Тадбирдан кўзланган мақсадга эришиш учун маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, посбонлар, кенг жамоатчилик ва ички ишлар ходимларининг ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Умаржон НИШОНОВ,
катта лейтенант.

ҚУРОЛ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Урганчлик Иброҳимнинг хатти-ҳаракатлари охир-оқибат ўзига ташвиш келтирди. Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир чоғида унинг уйида ноқонуний сақланаётган милтиқлар холислар иштирокида олинди. Гап шундаки, Иброҳим Жаҳонгир исмли фуқарога ҳеч қандай ҳужжатсиз «ИЖ» ва «ТОЗ» русумли учта милтиқни 80 минг сўмга пуллаётганида қилмиши ошкор бўлди. Бундан ташқари, унинг темир сейфидан 400 грамм порох ҳам топилди.

Иброҳимнинг нафси уни темир панжара томон етаклади. Агар у ўз ихтиёри билан ушбу ов милтиқларини ички ишлар идорасига топширганида бугун бошига шунча ташвишлар ёғилмасди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

АМИР ТЕМУР ҲАЁТИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЭЪЗОЗЛАНИШИ



Мустақиллик йилларида эришилган энг катта ютуқлардан бири бу - миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларимизга эга бўлганимиздир. Уларсиз тарихни, миллатни, унинг руҳиятини англаш мумкин эмас. Шу билан бирга миллий ўзлик айнан шу миллатга мансуб бўлган ватанпарвар, элпарвар, фидойи шахсларнинг фаолияти, турмуши, уларнинг жамият ва инсонга муносабатида ўз аксини топади.

Дарҳақиқат, миллий мустақиллигимизнинг 15 йили мобайнида биз мисли кўрилмаган ютуқларга эришдик. Миллий истиқлол ғоясига суянганимиз натижасида ўтмиш тарихимизга, миллат учун жон фидо қилган алломаларимизга нисбатан қарашларимиз ўзгарди.

Айниқса, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул сиймосига бўлган муносабатимиз миллатдошларимизнинг руҳияти-ю маънавиятида жуда жиддий ижобий ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлди. «Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб, Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин», деб таъкидлаганда Юртбошимиз ҳақ гапни айтганди. Ва давом этиб қуйидагиларга урғу беради: «Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳият ҳомийси бўлган?!»

Буюк бобомиз тўғрисида сўнгги 15-20 йил давомида жуда кўп фикрлар билдирилди, илмий изланишлар амалга оширилди. Гўё у ҳақда барча гаплар айтилгандек! Аммо Амир Темур даҳосининг буюклиги, унинг шахс, раҳбар сифатидаги ўрни шундан иборатки, менинг назаримда ҳеч қандай таъриф доирасига сиғмайди. Шунга қарамай бу инсон ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Зеро, Амир Темур ўзбек халқига руҳий, маънавий куч берувчи, миллатни бирлаштиришга, йўналтиришга рағбат берувчи ижтимоий ҳодисадир. Шу ўринда Амир Темурнинг миллий қадриятларга содиқлиги хусусида айрим фикрларни баён этиш ўта муҳим, деб ўйлаймиз.

Бир ривоятга кўра, кунларнинг бирида Соҳибқирон икки амалдорни ҳузурига чақириб, биринчисига шундай деган: «Сизни шу бугундан бошлаб эгаллаб турган лавозимингиздан бўшатдим». Шу онда у «Олампаноҳ, менинг ишларимдан ҳамиша мамнун бўлиб ва мақтаб юрган эдингиз, нима сабаб бўлдики мендан кўнглингиз қолди?», - деб ҳайрон бўлганида мана бу жавобни олган экан: «Тўғри, ўз вазифангизни биз истагандек бажариб келдингиз, лекин кейинги пайтларда сўзларингиз ва ўзингизни тутишингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан юқорилашиб кетди. Манманликка берилиб, ҳеч кимни менсимай қолдингиз. Тунов куни масжид олдида ўтирган қарияларнинг қаршисидан отдан тушмай ва салом бермай ўтиб кетибсиз, ҳатто қабристонда ҳам қуръон ўқимай отда ўтибсиз. Бунга ўхшаш маълумотлар анча тўпланиб қолди. Бу кетишда ўзингизнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам шаънига путур етказиб қўясиз. Яхшиси ўзингизни тарбиялаб олинг, сўнг сизни эътибордан четда қолдирмаймиз, албатта». Иккинчи амалдорга эса Соҳибқирон шундай дебди: «Сизнинг муомалангиз ва фаолиятингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан жуда пасайиб кетди, шу боис сиз ҳам ундан озод этилдингиз». Демак, Амир Темурнинг фикрича, у ёки бу амалдор ҳаддидан ошмай, ўзига берилган ваколат доирасида сидқидилдан хизмат қилиши керак. Шунингдек, у ношуд ва зарби йўқ мансабдорларни дарҳол бўшатган. Натижада, Соҳибқирон саройида жасоратли, мард, тиришқоқ, ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ошкора айта оладиган очиқ юзли мансабдорлар тўпланиб, садоқат билан хизмат қилганлар.

Хўш, ушбу ривоятдан қандай хулоса чиқариш мумкин? **Биринчидан,** халқимизга хос бўлган камтарлик жуда зарур сифат эканлиги яна бир бор эслатиб қўйилмоқчи. Яъни, камтарлик миллий қадрият ҳисобланади. Унга амал қилмаслик эса хоҳ каттанинг, хоҳ кичикнинг обрўсини кетказади, уни халқ ва жамият олдида шарманда қилади.

Иккинчидан, барча раҳбарларнинг энг катта масъулияти уларнинг хатти-ҳаракати ва муомаласи билан боғлиқдир. Зеро, халқ ҳамма нарсани кўриб, билиб туради. Ножоиз хатти-ҳаракат, катта-кичикка нисбатан беписандлик билан муносабатда бўлиш нафақат бундай раҳбарлар, шу билан бирга ҳокимиятнинг обрўэътиборига таъсир кўрсатиши мумкин.

Учинчидан, Амир Темурнинг фикрича, раҳбарлар, амалдорлар ҳаддидан ошмай, вазифасини суистеъмол қилмай фаолият кўрсатиши лозим. Яъни, амалдорларнинг ўз ваколат доираси мавжуд. Ушбу доирадан чиқиши билан унинг обрўсизланиши бошланади.

Тарихдан шу нарса маълумки, буюк шахсларнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати, фаолияти ибратдан иборат. Аслида ҳам шахс ва миллатнинг маънавий бойлиги, унинг мавжудлиги мутафаккир олимлар, саркардалар, буюк шахслар фаолиятининг натижасидир.

Шу маънода улар фаолияти ва ижодига қайта-қайта мурожаат этишимизнинг асл мақсади ҳам нафақат руҳларини шод этиш, миллат ўтмишидан ғурурланиш, шунингдек уларнинг тарихий сабоқлари орқали ёш авлодни тарбиялаш, камолга етказишдир.

Шу ўринда буюк Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ «Темур тузуклари» хусусида икки оғиз фикр билдирмасак бўлмайди. Маълумки, «Темур тузуклари - подшоларнинг ахлоқ-одоб нормаларини белгилаб берувчи, миллий қадриятлар, урф-одатлар, удумларга содиқликнинг миллат, шахс тарбиясида аҳамияти катта эканлигини англатувчи, чуқур мулоҳазага асосланган асардир.

Асар икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчисида Амир Темур бобомизнинг 1342 йилдан 1405 йил 18 февралгача кечган ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ташқи ва ички сиёсати ихчам тарзда, тушунарли баён этилган. Иккинчи қисмида эса Соҳибқироннинг номидан айтилган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насиҳатлари ифода этилган.

Шу ўринда унинг қуйидаги фикрлари жуда аҳамиятлидир: «Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам унга амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб. Одам Атодан бошлаб Ҳотам ул-анбиё (Муҳаммад пайғамбарга берилган унвон)гача, улардан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб - суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим».

Буюк бобомиз Амир Темур ўз ҳаёти давомида адолат, кишилар ўртасида ўзаро меҳр-муҳаббат бўлишига, амалдор-раҳбарлар эл-улуснинг ғам - ташвишини доимо сезиб туриши лозимлигига эътибор қаратди. Бу ишда миллий қадриятларга суяниш лозимлигини доимо уқтирар эди.

Айниқса, вазирлар, амалдорлар миллий қадриятларни сақлаш, тиклашнинг кафолати сифатида майдонга чиқишини кўп такрорларди. Хусусан, «Темур тузуклари»да вазирлар, амалдорлар, барча одамлар 4 сифатга эга бўлишлари лозимлигини қайд этади. Буларнинг биринчиси — асллик, тоза насллилик, иккинчиси — ақл-фаросатлилик, учинчиси — сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик бўлса, тўртинчиси-сабр-чидамлилик ва тинчликсеварликдир.

Умуман, буюк бобомиз ўзи таъкидлаб ўтган ушбу ўгитларни ҳеч қачон эсидан чиқармаган. Юқорида таъкидлаган сифатларга эга бўлганлар эса Соҳиб-Зқирон томонидан имтиёз, ишонч, эътибор, билан мукофотланган.

Миллий қадриятларни сақлаш, уларни кейинги авлодга янги сифатлар билан бойиган ҳолда етказиб бериш ҳам жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам Амир Темур фаолиятида бу масала алоҳида аҳамият касб этган.

Миллат ривожланиши, мамлакат ободончилиги, жамият барқарорлиги раҳбарлар, барча одамларнинг мулойимлиги, яхши хулқлари ҳисобига ортиб боришини ҳам Амир Темур доимо эслатиб турган. Доно раҳбар унинг назида шундай одамки, у ўз ўрнига қараб гоҳ қаттиққўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Агар кўп мулойимлик қилса дунёталаб, таъмагир кишилар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиққўллик ишлатилса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар.

Дарҳақиқат, буюк бобомиз ўз халқининг ўзлигини сақлаб қолишга, миллий қиёфани йўқотмасликка ҳаракат қилди. Шу билан бирга миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан бойитишга ҳам алоҳида урғу берди. Забт этилган ҳудудлардаги уста, ҳунармандларни мамлакатимизнинг йирик шаҳар, савдо-иқтисодий марказларига олиб келиши, айниқса, меъморчилик, шаҳарсозлик, ҳунармандчиликда яққол кўринади. Олимлар, шоирлар, тарихчиларни босиб олинган ўзга мамлакатлардан Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарларга кўчириб келиниши бу ерда илм-фан, маданиятнинг янада ривожига ўз таъсирини кўрсатди.

Қолаверса, Амир Темур даврида пайдо бўлган, шаклланган қадриятлар одамлар ўртасидаги оддий муносабатлар, миллий ўзликни сақлаб қолишга бўлган интилишлар мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичи билан ҳамоҳангдир.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

МАҚСАДЛАР АНИҚ ВА МУШТАРАК

Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир

И. КАРИМОВ.

Азал-азалдан маҳалла урф-одатлар, инсоний қадриятлар, анъаналарнинг тадрижий давомчиси, тарғиботчиси бўлибгина қолмай, маданий, маърифий ҳамда ижтимоий тарбия ўчоғи ҳисобланган. «Бир болага етти маҳалла — ота-она», «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» каби нақллар замирида ана шу жиҳатлар назарда тутилган.

Маҳалла — Ватаннинг мўъжазгина бўлагидир. Бугунги кунда республикамизда ўн мингга яқин маҳаллалар мавжуд. Уларда тинч-тотув яшаётган, меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари, миллатдошларимиз яхлит Ўзбекистон аҳолисини ташкил этади. Халқнинг эса орзу-умидлари, қувончу ташвишлари, қизиқиши, манфаатлари, яхши-ёмон кунлари бор. Айни пайтда маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Садриддин Ҳасанов билан суҳбатлашдик.

— Садриддин ака, шу кунларда жамғармаларнинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат бўлмоқда?

— Жамғарма ташкил топган дастлабки кунлардан ўз олдига мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб-асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қолган қариялларга меҳр-мурувват кўрсатиш каби вазифаларни мақсад қилиб олган.

Халқимиз азалдан уруш-жанжални қоралаб келган. «Бир кун жанжал бўлган ердан қирқ кун барака қочади», деган гап бежиз айтилмаган. Шу боис, маҳаллаларни саришта тутиш билан биргаликда яхши қўшничилик, меҳр-оқибатни шакллантириш, тинчлик — тотувлик, осойишталикни сақлаш ишларига катта эътибор қаратиляпти. Маълумки, маҳалла тинчлиги юрт тинчлигидир. Шундай экан, милиция таянч пунктларининг аҳоли гавжум жойларда фаолият юритиши, профилактика хизмати халққа яқинлаштирилгани айни муддао бўлди. Профилактика инспекторларининг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муштараклиги, ҳамкор, ҳамнафаслиги маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг эркин яшаб, баракали меҳнат қилиши ва бошқа бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишларига кафолатдир.

— Маҳаллаларда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталсангиз.

— Узоққа бормайлик, жорий йилнинг I-чорагида тўрт мингтага яқин маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бунда профилактика инспекторларининг оқсоқоллар, маҳалла посбонлари, кўчабошилар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини қайд этиш даркор. Мазкур маҳаллаларнинг кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, аввало, ҳудудда паспорт тизими мукаммал йўлга қўйилганлиги, маъмурий назоратда турувчи шахслар билан якка тартибда суҳбатлар олиб борилгани, озодликка чиққан шахслар иш билан таъминлангани кузатилди. Бундан ташқари, жиноятга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иш билан бандликни таъминлашга катта эътибор қаратилганини кўриш мумкин. Бунга Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги «Тинчлик», Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Қоражийда», Сирдарё шаҳридаги «Ҳақиқат», Тошкент туманидаги «Наврўз» маҳаллаларини мисол қилиб келтирса арзийди.

Бевосита бизнинг бу йўналишдаги фаолиятимизга тўхталсак, жамғарма милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, нуфузини оширишга эътибор бераяпти, аҳоли дарду ташвишига шерик бўлиб, моддий-маънавий кўмак кўрсатиб келмоқда. Кўпгина милиция таянч пунктлари бинолари таъмирланяпти, ободонлаштирилмоқда.

— Кейинги пайтда гиёҳвандлик, терроризм ва диний экстремизм каби иллатлар дунёга таҳдид соляпти. Республикамизда рўй берган қатор воқеалар юртимиз ҳам ғанимлар назаридан четда қолмаётганини англатмоқда...

— Албатта, бўлиб ўтган нохушликлар ҳар биримизни ҳушёр, огоҳ бўлишга даъват этади. Бу борада қатъий қарашларимиз, ўз мустаҳкам позициямиз бўлиши керак. Ёшларимизни бундай хунрезлик, биродаркушлик иллатларидан асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимининг киритилиши айни муддао бўлди. Айни вақтда улар жамғармамиз томонидан тайёрланаётган услубий қўлланмалар ва бошқа кўргазмали қуроллар билан таъминланмоқда.

Фарғона вилояти Бешариқ тумани «Қоражийда» маҳалласи маслаҳатчи Х. Сувонқулова, Хоразм вилояти Хазорасп шаҳарчаси Ш. Рашидов номли маҳалладан Ш. Худойберганова, Шаҳрисабз тумани «Хўжамурод бахши» маҳалласидан С. Тўраева, Амударё тумани «Чойкўл» маҳалласидан Ў. Матниёзоваларнинг мактаблари, жамоатчилик ташкилотлари, ўқув даргоҳларида болалар ва ўсмирлар, уларнинг ота-оналари билан ўтказаётган учрашувлари, тушунтириш-тарғибот ишлари ўзига хослиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Уларнинг тажрибалари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар томонидан ўрганилиб, тарғиб этиляпти.

Маълумки, яқинда ўз-ўзини бошқариш органларида сайловлар бўлиб ўтди. Маҳаллалар аҳли ўзларига муносиб оқсоқолларни сайлашди. Учтепа тумани «Кўкча — Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли С. Имомов, Ҳамза тумани Аҳмаджон Назаров номли маҳалла оқсоқоли С. Комилов, С. Раҳимов тумани «Гузарбоши» маҳалласи оқсоқоли Т. Эргашевлар аҳоли томонидан қайта сайландилар. Ҳолбуки, бу ўша ҳудуд фуқароларининг ўз тинчлиги, осойишталигига масъул кишиларни тўғри танлашганидан далолат беради.

Ҳар йили ўтказилаётган «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Энг намунавий маҳалла» каби кўплаб кўрик-танловларда ҳам жойларда олиб борилаётган ижобий ишларнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Бойниёз Тошанов, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани «Бўлакработ» маҳалласи оқсоқоли Муҳаммад Жумаев, Хоразм вилояти Урганч шаҳар «Бўстон» маҳалласи оқсоқоли Жумабой Мадаминовлар ўз ҳудудларида профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда турли сабабларга кўра республикамиз ташқарисига чиқиб кетган шахсларни аниқлаш, ҳудудга келиб-кетувчиларни назорат қилиш, ҳуқуқбузарларга вақтида таъсир чоралари (изза қилиш, жамоада муҳокама қилиш, қариндошлари ўртасида танбеҳ бериш)ни қўллашаётгани ўз самарасини бераяпти.

Ўйлаймизки, маҳаллаларда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлиги ягона мақсад — ҳудудда тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Биз биргаликда бунинг уддасидан чиқишимиз шубҳасиз.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош:
М. ИБРАГИМОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда демократия, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида яна бир дадил қадам бўлди. Зеро, ушбу Фармон эълон қилингач, оммавий ахборот воситалари, учрашувларда билдирилаётган мулоҳазалар, ўртага ташланаётган масалалар ранг-баранг, баҳсталаб эканлиги билан эътиборни тортмоқда. Хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жиноятга оид қонунчиликни либераллаштириш, суд идораларининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбир эканлиги эътироф этилмоқда. Мазкур долзарб мавзудаги баҳсни давом эттириш мақсадида бир гуруҳ олим, мутахассис ва ҳуқуқшунослар иштирокида давра суҳбати ташкил этдик.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДАХЛСИЗДИР

Анвар ШУКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати:

– Суд – одил судловнинг олий нуқтаси бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти тамойилларини амалдаги ифодасини таъминлашга хизмат қилади. Давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида суд фақат қонунга бўйсунади. Бежизга суд учинчи ҳокимият сифатида эътироф этилмайди. Судьялар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда прокурорларга нисбатан кўпроқ ваколатларга эга ҳисобланади. Шунинг учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилса, айбловчи ва ҳимоячи ўз фикрларини асослаш ва далиллар тақдим этиш орқали тортишади, унинг натижасига кўра, суд холис ва адолатли қарорга келади.

Демак, судларнинг ваколатида масъулият ошганлигини кўрсатади. Эндиликда судьяларни бунга тайёрлаш ва уларнинг тажрибасини янада ошириш давр талабидир. Шунингдек, прокурорлар ва судьялар санкция бериш борасида ўзаро тажриба алмашишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Дунёнинг юздан ортиқ давлати суд-ҳуқуқ тажрибаси шундан далолат берадики, фақат судларгина инсоннинг Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқларини чеклаши ёки улардан маҳрум қилиши мумкин. Бу тамойил асрлар мобайнида ўз халқчиллигини йўқотмай келмоқда. Санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилса, ўйлайманки ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти барпо этаётган давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва шахс дахлсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари, юридик фанлар доктори:

– Албатта, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгач, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бир қатор имконият ва афзал жиҳатлари юзага келади. Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ, прокуратура тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган идоралар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилади. Шу билан бирга бу идоралар жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш, жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш, судда давлат айбловини қувватлаш каби кенг ваколатларга эга. Айни пайтда у қамоққа олишга санкция ҳам беради. Суриштирув ва дастлабки тергов идоралари томонидан жиноят ишларининг юритилиши прокурорнинг доимий назоратида туради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 379-моддаси бўйича тузилган айблов хулосаси прокурор тасдиқлаганидан кейингина судга юборилади. Шу боис, прокурор ўз вазифаси талабидан келиб чиқиб, кўпроқ айблов томонида туради. Бу эса дастлабки тергов жараёнидаги ҳимояга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш борасида дастлабки қадамлар ташланаётган бир пайтда ривожланган давлатларнинг ютуқларини ўрганиш самарали тизимни жорий этишимизда қўл келади. Шу маънода хорижий мамлакатлар тажрибасининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларига эътибор қаратиш даркор. Аввало, уларнинг юриспруденцияси, социологияси ва бошқа фан соҳаларини, қолаверса, мавжуд муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асослар ва уларнинг амалга ошириш механизмини ўрганиш лозим. Шу мақсадда хорижий мамлакатларнинг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти идоралари, таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Бизнингча, бу жараёнда, яъни инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини янгича шаклини жорий қилишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Шу боис, киритилиши мўлжалланаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг суд ҳокимияти мустақиллиги ва инсон ҳуқуқлари нуқтаи-назаридан махсус концепциясини ишлаб чиқиш, тизимли тарзда, муҳокамаларда пишиб етилган қонун-қоидаларнигина белгилашга эътибор бериш лозим. Шундагина Президентимиз таъкидлаганларидек, қонунларимиз кам ўзгарувчан бўлади. Бу эса халқимизнинг қонунларга ҳурмати ошишига хизмат қилади.

Акмал АСРОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим катта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси:

– Шахсни қамоққа олиш масъулиятли иш. Гап шундаки, бу жараёнда йўл қўйилган ҳар қандай хато шахс ва унинг оила аъзолари тақдирида ўчмас из қолдириши мумкин.

Шахсни суд орқали ҳибсга олишнинг қонуний механизмларини яратишда бундай чораларни амалга ошириш асослари ва тартиби, бу борада терговчи, прокурор ва суднинг ваколатлари доирасини аниқ белгилаш, суд қарорлари қонунийлигини текшириш тизимини мукаммал ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Албатта, қамоққа олишга санкция бериш вазифасининг судлар ихтиёрига ўтказилиши уларга қўшимча масъулият юклайди. Эндиликда судья ишнинг ҳолатини чуқур ўрганиб, тергов органи томонидан ушланган кишининг жиноятида қонунда белгиланган тартибда ўз исботини топганига аҳамият қаратиши, ҳақиқатда шахс жиноятга қўл урганига ишонч ҳосил қилиши, ҳаттоки, кейинги тергов ва суд босқичида унинг айби қанчалик тасдиқланиши мумкинлигини ҳис қила олиши керак. Шунинг учун судларга иш ҳужжатлари билан танишиб чиқишга, улар келиб тушгандан бошлаб аниқ вақт белгилаб қўйилса, тўғри бўлади.

Исматулла МАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси:

– Фармонда кўзда тутилган мақсадларга кўра, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан тортишувлар тамойили жиноят процессининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида амал қила бошлайди. Судда қамоққа олиш масаласи ҳал этилаётганда айблов томон билан бирга ҳимоя томони – гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг ҳимоячиси иштирок этади. Улар қамоққа олишнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилиги юзасидан тортишув олиб бориш ва эътирозлар билдириш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, жиноят процесси Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро шартномалар ва Конституция нормаларига янада мувофиқлаштирилади. Айни пайтда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олди олинади. Қолаверса, ноқонуний, асоссиз қарорлар қабул қилинишига чек қўйилади, суриштирув ва тергов органлари ходимларининг вазифасига нисбатан масъулияти янаям ортади.

Рустам ЖЎРАЕВ,
республика ИИВ Тергов Бош бошқармаси терговчиси, майор:

– Гумон қилинувчи ва айбланувчиларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши кураш усул ва услубларига бир мунча ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш йўли билан суриштирув ва тергов жараёнлари устидан суд назорати ўрнатилар экан, бу ҳолат суд томонидан терговолди ва терговнинг бошланғич жараёнидаёқ тўпланган далилларга мақбуллик нуқтаи назаридан баҳо берилишини тақозо этади. Шу сабабли, ходимларни, айниқса, терговгача материал тайёрловчи хизматлар ходимларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Терговолди текширув, суриштирув ва дастлабки тергов даврида йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар, процессуал тартиб-қоидаларнинг бузилиши, гумон қилинувчи ёки айбланувчиларнинг ҳуқуқларини таъминланмаганлиги, оғир жиноят содир этган шахснинг очиқда қолдирилиши, охир оқибатда айбланувчининг жиноий жавобгарликдан бўйин товлашига сабаб бўлиши мумкин.

Терговолди текширув, суриштирув ва дастлабки тергов даврида йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни ҳозирданоқ олдини олиш чораларини кўришимиз, камчиликларга йўл қўяётган ходимларга қатъий муносабат билдиришимиз лозим бўлади.

Гулнора ИШАНХАНОВА,
Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими раиси:

– Қонунга кўра, суд холисдир. У айблов ёки ҳимоя тарафини олмайди. Балким, томонларнинг процессуал мажбуриятларини бажаришлари, уларга берилган ҳуқуқларни амалга оширишлари учун шароит яратиб беради. Яъни, одил судлов олдида турган вазифаларни таъминлайди. Пировард натижада, айнан суд жиноят иши бўйича одил судловни амалга оширилишини, мақбул муддатларда ўз олдидаги вазифаларнинг бажарилишини ва суд мажлисини ўтказишдаги тўсиқларни бартараф этишини таъминлаши лозим. Суд муҳокамаси лозим даражада ўтказилишига, унда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун шароит яратар экан, суд эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш чораси тўғри ва асосли равишда тайинланганлигини жиноят процессининг барча босқичларида текшириши лозим. Агар судланувчи судга келишдан бош тортса ёки бошқа йўллар билан одил судловга халақит берса, суд унга зарур эҳтиёт чорасини танлаши лозим. Шунингдек, суд муҳокамаси чоғида шахсни суд қарорига кўра қамоққа олиш муддатини бу муддат тугамасдан туриб узайтириш масаласини ҳам кўриб чиқиши мумкинлиги назарда тутилиши керак.

Энг муҳими шундаки, жиноят процессининг муҳим принципларидан бири – томонларнинг тортишуви ва тенглиги принципларига амал қилиниши, яъни шахсни ҳибсга олиш ёки олмаслик масаласи судда прокурор билан адвокатнинг иштирокида ҳал этилиши зарур, деб ҳисоблайман.

Давра суҳбатини Азизжон ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

ИШИМИЗДА ҲАММА НАРСА МУҲИМ

Мана, ҳадемай мамлакатимиз мустақилликка эришганининг 15 йиллигини карнай-сурнайлар садоси остида тўю тантана билан нишонлаймиз. Ҳар йили бу байрам арафасида ишларимизни сарҳисоб қилиб, эришган ютуқларимиздан қувониш ажойиб анъанага айланган.

Айни пайтда биз диний экстремизм ва халқаро терроризм хавфини ҳам унутмаслигимиз керак. Вазият ҳар биримиздан ҳушёр, огоҳ бўлишимизни талаб этмоқда. Бу хавфсизликни таъминлаш борасида ўтказиладиган тадбирларда нафақат ички ишлар идоралари ходимлари, балки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаоллари, қолаверса барча ҳамюртларимиз иштирок этиши керак дегани.

Андижон вилояти ИИБ шахсий таркиби шаҳар ва қишлоқларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлида барча куч ва воситаларини ишга солаяпти. Қуйидаги фактлар саъй-ҳаракатлар ҳеч қачон зое кетмаслигини кўрсатади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оғир жиноятлар 22 фоизга, ўғриликлар 15 фоизга камайди. Жиноятларнинг фош этилиш кўрсаткичи яхшиланди. Аммо аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони ошгани кишини ташвишга солади.

Жойларда жамоат тартибини сақлашда профилактика инспекторлари асосий роль ўйнашяпти. Ҳозир вилоятда фаолият кўрсатаётган 284 та милиция таянч пунктида профилактика инспекторлари фаол хизмат қилмоқда. Уларнинг сони ортиб бораяпти. Биргина ўтган ойда энг олисда жойлашган Улуғнор туманида 6 та, вилоят марказида 2 та милиция таянч пункти (МТП) очилди. Сўнгги йилларда МТП лар ҳақиқий митти ички ишлар бўлимларига айланганлигини қайд этиш керак. Ушбу масканларда фуқароларнинг янги паспорт олишлари, тергов, тезкор хизмат билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишда ёрдам кўрсатилаяпти.

Жамоат тартибини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили ППХ ва ЖТСБ бўлинмасида отлиқлар отряди ташкил этилган. Ҳозирда кечаю кундуз отлиқ патруллар галма-гал аҳоли осойишталигини қўриқлашади. Улар рациялар, махсус воситалар билан таъминланган. Амалиёт спорт ва оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш даврида хавфсизлик ва тартиботни таъминлашда ушбу бўлинмалар яхши самара беришини кўрсатди.

ППХ ва ЖТСБ таркибида отлиқлар бўлинмаси билан бир қаторда жанговар қўриқлаш отряди ҳам тузилди. Унинг асосий вазифаси терроризмга қарши курашиш, қуролли жиноятчиларни зарарсизлантириш, оммавий тартибсизликларни бартараф этишдан иборат. Отрядга пухта тайёргарликка, жанговар тажрибага эга ходимлар саралаб олинган. Ушбу бўлинма шахсий таркиби жисмонан чиниққан, қўл жанги санъатини пухта эгаллаган, ўқотар ва совуқ қуроллардан фойдаланишда моҳир, фавқулодда вазиятларда тез, аниқ, тўғри ҳаракат қила оладиган бўлишлари лозим. Ходимларнинг касб маҳоратини оширишда, тажрибали йўриқчилар улар билан жанговар, махсус ва жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтишади.

Бундан ташқари, вилоят марказида жамоат тартибини сақлаш мақсадида кечаю кундуз автопатруллар, пиёда ППХ нарядлари навбатчилик қилишади, хизмат итларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Барча соҳа ва бўлинмалар ходимлари бор имкониятларини ишга солиб, ўз вазифаларини ўташмоқда. Чунки улар мамлакатимизнинг нафақат тинчлик-осойишталиги, балки иқтисодий фаровонлиги ҳам зиммаларидаги масъулиятни қанчалик чуқур англаб фаолият юритишларига боғлиқлигини яхши англашади.

Масалан, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари яқинда қалбаки пул ясовчи шахсни қўлга олишди. У муқаддам судланган шахс бўлиб чиқди. Қаллоб компьютер техникаси ёрдамида сохта пулдан ташқари, қалбаки диплом, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома тайёрлаш билан ҳам шуғулланган экан.

Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Пахтаобод тумани Маданият қўрғонида яшовчи, муқаддам судланган Р. Одилжон жиноий гуруҳ тузади. Ушбу жиноий гуруҳ аъзолари қўшни республикадан мамлакатимизга айланма йўллар орқали шакар олиб келиш ва сотиш билан шуғулланишган. Тергов ҳаракатлари чоғида улар қисқа вақт ичида Андижон вилоятига ноқонуний тарзда 23275000 сўмлик шакар олиб келишгани аниқланди. Р. Одилжон ва унинг ҳамтовоқлари қўлга олиниб, барчасига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

2005 йил май ойида юз берган машъум воқеалар ҳар биримизнинг юрагимизда ўчмас из қолдирган. Бундан тегишли хулосалар чиқарганмиз. Биз халқимизнинг кайфиятини, хоҳиш-истагини, ўй-ташвишларини яхши билишимиз зарур. Бунинг учун кенг жамоатчилик билан яқин алоқа ўрнатиш керак. Одамлар бизга ишониши, теварак-атрофида, маҳалла-кўйда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида айтиши лозим. Ходимларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳам долзарб вазифаларимиздандир.

Токи улар ҳар қандай мураккаб, фавқулодда вазиятда ўзларини йўқотмай, ваҳимага тушмай, тез ва аниқ ҳаракат қилишга, тўғри чора-тадбирлар кўришга тайёр бўлсинлар. Ўқув машғулотларида бундай ҳодисалар чуқур таҳлил этиляпти, ҳаракат тактикаси ўрганиляпти, олинган билимлар амалий машғулотлар чоғида синаб кўрилмоқда. Биз ходимларимизга мураккаб вазиятларда тезкорлик билан ҳаракат қилиш кўникмаларини сингдиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу йўналишдаги ишларимизни ҳеч қачон бўшаштирмаймиз. Чунки ички ишлар идоралари ходимлари қонунбузарларга қарши ҳамиша муносиб кураша билишлари лозим.

Андижон вилояти ИИБ шахсий таркиби элюртимиз тинчлик-осойишталигини, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида ўз касб маҳоратини, амалий кўникмаларини ҳамиша такомиллаштириб боришга тайёр. Зеро, зиммамиздаги бурчимиз, мустақил Ватанимиз биздан шуни талаб қилади.

Бахтиёр СИДИҚОВ,
Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор.

Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида тартиб-интизомга риоя қилиш, ташмачилик, ўғирлик каби ҳолатларнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати катта бўлмоқда.

Суратда: *Асака шаҳар ИИБ ҳузуридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини қўриқлаш бўлинмаси ходимлари (чапдан ўнгга) сержант Ф. Қувватов, майор М. Ваҳобжонов, кичик сержант И. Юнусов ва сержант О.Умаровлар навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашишаяпти.*

ХИЗМАТ — ЯНГИ БИНОДА

Эски шаҳар, Сойгузар, Қўшариқ маҳаллалари, Шимолий кичик тумани ҳамда кўплаб турар жойларда истиқомат қилаётган 250 мингдан ортиқ аҳолининг осойишталигини таъминлаш Андижон шаҳар ИИБ 2-милиция бўлинмаси ходимларининг зиммасидадир. Бўлинмага мурожаат қилувчи фуқароларга ҳамда ички ишлар ходимларига қулай хизмат шароити яратиш мақсадида яқинда Бобур шоҳкўчасида янги бино фойдаланишга топширилди.

Бўлинма эски, қаровсиз жойда жойлашганди, — дейди бўлинма бошлиғи, подполковник Валижон Бўтаев. — Дастлаб ўқув юртларидан бирининг биносида, сўнгра «Электроаппарат» ишлаб чиқариш корхонаси маъмурий биносининг бир қисмида хизмат олиб бордик. Ўтган йилнинг охирларида бошқарма раҳбарияти бўлинма фаолияти билан яқиндан танишиб, вилоят ҳокимлигига янги бино масаласида мурожаат қилди. Бобур шоҳкўчасидаги собиқ тажриба-ремонт заводининг ишчилар ётоқхонаси вилоят ИИБ ихтиёрига берилиб, қайтадан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Қарийб 8 ой давом этган капитал таъмирлаш ишларидан сўнг тўрт қаватли бинодаги 40 та хона замонавий услубда жиҳозланди.

Ҳозир бу ерда ходимлар ижтимоий-сиёсий билимларини мунтазам ошириб боришлари учун ўқув хонаси ташкил этилган бўлиб, унда республика ҳамда маҳаллий газета-журналлар, ички ишлар ходимларининг касб маҳоратини оширишга оид қўлланмалар мавжуд. Ҳар бир хона замонавий алоқа воситалари, юмшоқ мебеллар билан таъминланган. Бўлинма биноси учун 24 та рақамга мўлжалланган кичик АТС ишга туширилди.

Биринчи қаватда паспорт хизмати хоналари жойлашган. Қарийб 20 сотих ердан иборат бўлган мазкур бинонинг атрофидаги бўш ерларга келгусида мевали дарахт кўчатлари экиш режалаштириляпти.

— Истиқлолнинг 15 йиллиги арафасида бинонинг тантанали очилиши маросимини ўтказмоқчимиз, — дея қўшимча қилди бўлинма бошлиғи. — Ушбу тадбирга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари, фахрийлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилади.

Ушбу хайрли ишда бўлинманинг барча шахсий таркиби фаол иштирок этди. Вилоят ИИБ раҳбариятининг ички ишлар ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида қилаётган доимий гамхўрлиги уларни ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришга ундамоқда.

Азизхон БУЗРУКОВ.

АСОСИЙ ҚАЛҚОН – ҲУШЁРЛИКДИР

Маълумки, олов офатлар ичида энг даҳшатлисидир. Лаҳза ичида бутун мол-мулкинг, ҳаттоки, ҳаётингдан ҳам айрилиб қолишинг мумкин. Бу офатга қарши Қорақалпоғистон Республикасида қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қизиқиб, ИИВ ЁХБ бошлиғи, полковник Яқупбой Нажмитдиновга мурожаат қилдик.

– Яқупбой Дуйсенбаевич, маълумки, хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қанча чора-тадбирлар кўрилаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида қилинган ишларни сарҳисоб қилиб ўтишингизни истардик?

– Бошқарма ва унинг қуйи тизими ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида аҳоли турар жойлари, халқ, қишлоқ хўжалиги объектлари, саноат корхоналарида ёнғинлар ва уларда фуқароларнинг тан жароҳати олиб, ҳалок бўлиш ҳолларининг олдини олиш, содир бўлган ёнғинларни тезда бартараф этиш, ёнғин ўчириш қисмларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркиб фаолиятини яхшилаш, улар билан ишлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Рўйхатга олинган 8324 та муассаса, ташкилот ва хўжаликларда тўлиқ, қайта ва тезкор текширишлар ўтказилди. Бундан ташқари, 371026 та уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

Текширув натижалари бўйича ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган ёхуд ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг кўрсатмаларини бажармаётган раҳбарлар, жавобгар шахс ва фуқароларга 2463317 сўм миқдорда жарима солинди. Ёнғин хавфи мавжуд бўлган 380 та корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилди. 3195 та электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди.

Лекин олиб борилган ишлар ва кўрилган чораларга қарамасдан фуқароларнинг оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши оқибатида республикамизда содир бўлган ёнғинлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,5% га кўпайганлиги доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимизни талаб этади.

– Соҳа ходими энг қийин вазиятда, баъзан ҳаётини хавф остига қўйиб ҳаракат қилади. Бундай ноқулай ҳолат ундан жуда катта жисмоний ва жанговар тайёргарликни талаб этади. Шахсий таркибнинг бу борадаги фаолияти ҳақида ҳам билишни хоҳлардик?

– Бу ҳақда узоқ тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ. Чунки, яқинда Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХБлари орасида «Энг яхши ўт ўчириш автомобиль бошқарувчиси» кўрик-танловида ўн беш жамоа ичида ходимларимиз фахрли учинчи ўринни эгаллашгани шахсий таркибнинг жанговар шайлиги талабга жавоб беришини тасдиқлайди.

– Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги тантаналарини ўтказиш жараёнига тайёргарлик ишлари қандай боряпти?

– Байрамга тайёргарлик кўриш жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Тантаналар ўтказиладиган масканлар, шунингдек, меҳмонлар ва байрам иштирокчилари яшайдиган меҳмонхоналар рўйхатга олиниб, ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилмоқда. Айём арафасида республикамиз ҳудудида ўтказилаётган «Антитеррор-Тозалаш» кенг қамровли профилактик тадбирда ходимларимиз ҳам фаол иштирок этишмоқда. Шу кунга қадар асосий байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар, улар атрофида жойлашган масканлар, кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар, ётоқхоналар ва бошқа объектларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Бундан ташқари, жамоат жойларида учрашувлар ташкил қилиниб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Сўзимнинг якунида мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, тилсиз «ёв»нинг асосий қалқони ҳушёрликдир. Буни ҳамма, ҳамиша ёдда тутиши керак.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ,
ёзиб олди.

ТЕЗКОРЛИК – УЛАРНИНГ ШИОРИ

Шу йил 16 март куни эрталаб Хатирчи тумани ИИБ навбатчилик қисмига ташвишли қўнғироқ бўлди. Сим қоққанлар кечаси туман почтасининг Ш. Рашидов номли фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган шохобчаси бўлинмасида ўғрилик юз берганини хабар қилишди. Ўғрилар бинонинг эшигини бузиб, ичкарига кириб, сейф ичидаги ярим миллион сўмдан ошиқроқ пулни ўмариб кетишганди. Почтада асосан қанақа пул бўлади – қарияларнинг ва ногиронларнинг пенсиялари бўлади-да.

Туман ИИБ бошлиғининг буйруғига кўра подполковник Ф. Расулов бошчилигида тезкор-тергов гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари зудлик билан воқеа жойига етиб келишди. Катта тезкор вакил, майор О. Бекпўлатов суриштирув ишларини бошлаб юборди. Эксперт-криминалист, катта лейтенант З. Адизов эса эшик ва сейфда қолган қўл – бармоқ изларидан нусха кўчирди. Шу атрофда яшовчи, жиноят қилишга мойил шахслар ўғрилик юз берган кеча қаерда, қандай иш билан машғул бўлгани сўраб-суриштирилди. Шубҳа Галабек қишлоғида яшовчи Р. Шарофиддинга тушди. Сўроқ ва дастлабки тергов чоғида у жиноий шериги Т. Алибек билан бунгача ҳам икки бора ўғрилик қилганини тан олди. Уларнинг уйжойлари кўздан кечирилганда, юқорида тилга олинган жиноятларга оид ашёвий далиллар топилди.

Қизилтепанинг Маликчўл ҳудудида ҳақиқатан ҳам ўз номига мос чўлликлар яшайдилар. Аммо ўзлаштирилиб обод масканларга айлантирилган жойлар ҳам анчагина. Бу ерларда яшовчи одамлар меҳнаткаш, танти, очиққўнгил. Уларнинг яшаш шароити воҳа ва водийлардаги қишлоқларнинг шароитидан қолишмайди. Аҳоли ичимлик суви билан таъминланган. Экин-тикинларини суғоришлари учун лойқа, халқ тили билан айтганда ширин сув ҳам етарли. Ва албатта барча хонадонлар электрлаштирилган. Қишнинг охирларида чироқ тез-тез ўчадиган одат чиқарарди. Усталар ҳар гал текшириб кўришганида, кимдир электр ўтказгичини, аниқроғи симни ўғирлагани маълум бўларди. Охири юз бераётган ўғриликлар ҳақида Қизилтепа тумани ИИБга маълум қилинди. Воқеа жойи атрофи кузатувга олинди. Кўзланган натижага эришилавермагач, катта терговчи, майор Б. Қутлиев изқуварларга бошқа йўналишларда ҳам иш олиб бориш борасида кўрсатма берди. Кўп ўтмай «Булоқработ» қишлоғида яшовчи М. Отажон ва унинг жиноий шериги М. Акбар 7200 метрлик (умумий баҳоси 1200000 сўм бўлган) алюмин симни сотишаётган пайтда қўлга тушишди.

«Эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин» деган гап бор. Кармана туманилик Дилбар Нурова бу нақлнинг нажарима солинди. Ёнғин хавфи мавжуд бўлган 380 та корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилди. 3195 та электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди.

Лекин олиб борилган ишлар ва кўрилган чораларга қарамасдан фуқароларнинг оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши оқибатида республикамизда содир бўлган ёнғинлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,5% га кўпайганлиги доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимизни талаб этади.

– Соҳа ходими энг қийин вазиятда, баъзан ҳаётини хавф остига қўйиб ҳаракат қилади. Бундай ноқулай ҳолат ундан жуда катта жисмоний ва жанговар тайёргарликни талаб этади. Шахсий таркибнинг бу борадаги фаолияти ҳақида ҳам билишни хоҳлардик?

– Бу ҳақда узоқ тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ. Чунки, яқинда Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХБлари орасида «Энг яхши ўт ўчириш автомобиль бошқарувчиси» кўрик-танловида ўн беш жамоа ичида ходимларимиз фахрли учинчи ўринни эгаллашгани шахсий таркибнинг жанговар шайлиги талабга жавоб беришини тасдиқлайди.

– Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги тантаналарини ўтказиш жараёнига тайёргарлик ишлари қандай боряпти?

– Байрамга тайёргарлик кўриш жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Тантаналар ўтказиладиган масканлар, шунингдек, меҳмонлар ва байрам иштирокчилари яшайдиган меҳмонхоналар рўйхатга олиниб, ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилмоқда. Айём арафасида республикамиз ҳудудида ўтказилаётган «Антитеррор-Тозалаш» кенг қамровли профилактик тадбирда ходимларимиз ҳам фаол иштирок этишмоқда. Шу кунга қадар асосий байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар, улар атрофида жойлашган масканлар, кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар, ётоқхоналар ва бошқа объектларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Бундан ташқари, жамоат жойларида учрашувлар ташкил қилиниб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Сўзимнинг якунида мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, тилсиз «ёв»нинг асосий қалқони ҳушёрликдир. Буни ҳамма, ҳамиша ёдда тутиши керак.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ,
ёзиб олди.

қадар тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Номаълум кимсалар айнан у уйда йўқ пайтида– кундуз соат 10.00–12.00 оралиғида хонадонидаги бир ярим миллион сўмликдан зиёд тилла тақинчоқларини ўғрилаб кетишди. Жабрдийда туман ИИБга мурожаат этиши билан тезкор-тергов гуруҳи тузилди. Жиноятни очишга жамоатчилик вакиллари, маҳалла посбонлари жалб этилди. Кармана ҳудудида яшовчи, жиноятга мойил шахслар рўйхати тузилиб, уларнинг юриш-туриши, феъл-атвори ўрганилди. Изқуварларда айниқса, илгари бир неча бор ўғрилик қилиб қамалган Ш. Ғайрат шубҳа уйғотди. Тергов ҳаракатлари чоғида у жиноий шериги Ҳ. Комил билан бирга талончилик жиноятлари содир этганлигини ҳам айтди. И. Ғайратдан ашёвий далил сифатида олинган тилла тақинчоқлар эгасига – Дилбар Нуровага қайтарилди. Мазкур жиноятни фош этишда Кармана тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, капитан О. Саломов ва тезкор вакил, капитан Ш. Эшбоқовлар фаоллик кўрсатишди.

Жиноят оламида, хусусан, ўғрилар орасида ҳам ўзига хос «ихтисослашув» мавжуд бўлади. Айрим ўғрилар кисавурликка, баъзилари хонадонларга ўғриликка тушишга «ихтисослашади». Навоий шаҳрилик О. Андрей ва Р. Олег компьютер техникасини ўғирлашнинг ҳадисини олишган. Улар аввал шаҳардаги «Навоий» меҳмонхонасига балкон орқали кириб, фирмалардан бирига қарашли «Samsung» компьютерини эҳтиёт қисмлари билан бирга (жами 1200.000 сўмлик буюмларни) олиб кетишди.

Орадан кўп ўтмай, 14 июлга ўтар кечаси «Навоий интернет» кафесига деворини бузиб киришди. Ушбу масъулияти чекланган жамиятга қарашли бўлган 7 дона диск, 7 та видеокарта, 8 та оператив хотира, бир нечта модем ускунаси ва бошқа компьютер техникасини ўғрилаб кетишди. Аммо «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деб бекорга айтишмаган.

Юқоридаги жиноятларни фош этиш мақсадида малакали ходимлардан иборат тезкор-тергов гуруҳи тузилди. Айниқса, Навоий шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор ходимлари катта лейтенант А. Бобоқулов ҳамда лейтенант Б. Холмуродовларнинг ташаббускорлиги, топқирлиги иш берди. Улар олиб борган махфий кузатувлар, сўраб-суриштиришлар натижасида ушбу ўғриликларни кимлар қилганлигини тез орада аниқлашди. «Шоввоз» ўғрилар ўмарган буюмларининг бир қисмини ҳатто пуллаш учун Тошкентга олиб бориб ҳам улгуришган экан. Жиноятчилардан ўғирланган компьютер техникаси ва эҳтиёт қисмлари ашёвий далил сифатида олинди.

Кўриб турганингиздек, барча ҳолатларда содир этилган жиноятлар тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлиги туфайли қисқа фурсатларда фош этилди. Зеро, тезкорлик навоийлик изқуварларнинг шиоридир.

Бобомурод ТОШЕВ.

Мамлакатимиз фуқароларига ўз вақтида паспорт бериш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН ДЕБ

Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида ички ишлар идоралари томонидан бир миллиондан ортиқ ҳамюртимизга паспорт топширилди. Улар орасида 16 ёшга тўлган йигит — қизлар ҳам бор. Энди балоғат остонасига қадам қўйган ёшларга фуқаро паспортлари уруш ва меҳнат фахрийлари, кўзга кўринган фан ва санъат арбоблари иштирокида, тантанали вазиятда топширилди.

Ҳужжатлаштириш ва аҳолига паспорт тизими ҳамда фуқаролик масалалари бўйича хизмат кўрсатиш борасида илгари мавжуд бўлган муаммоларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 16 майда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортлари ва 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг гувоҳномалари бланкалари тайёрлашни моддий-техник таъминлаш ва ташкил этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди. Шунингдек, фуқароларни ўз вақтида ҳужжатлаштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъати мажлисида ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси хорижга чиқадиган тақдирда, унинг паспорти амал қилиш муҳлати олти ойдан кам қолган ёки чиқиш визасининг муҳлати билан тенг бўлган тақдирда алмаштирилади.

Ҳозирги вақтда аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида фуқароларни қабул қилиш жадваллари қайта кўриб чиқилди. Илгари қабул вақти соат 9.00 дан 18.00 гача қилиб белгиланган бўлса, эндиликда фуқаролар соат 8.00дан 18.00 гача қабул қилинадилар. Токи улар керакли ҳужжатларни эрталаб топшириб, ўз ишларига ҳам улгурсинлар. Бундан ташқари, илгари фуқаролар ҳафтасига тўрт кун қабул қилинар эдилар. Ҳозир эса бу муддат беш кунга етказилди.

Айни пайтда одамларнинг вақтини, йўлга сарфлайдиган маблағини тежаш мақсадида фуқароларни бевосита аҳоли турар-жойларига яқин бўлган марказий милиция таянч пунктларида қабул қилиш масаласи ҳал этилди.

Бу амалиёт, айниқса, Наманган вилояти ички ишлар идораларида кенг қўлланиляпти. Бу ердаги бевосита марказий милиция таянч пунктларида хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ходимлари фуқароларни ҳафтасига уч марта қабул қилишмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида мазкур хизматнинг турли йўналишлари бўйича 66 мингдан зиёд фуқаро милиция таянч пунктларида қабул қилиндилар. Ҳозирда бундай амалиёт Тошкент шаҳрида ва республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам жорий этиляпти.

Фуқароларга яна бир бор эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ паспортлар қуйидаги ҳолларда алмаштирилади: паспортнинг амал қилиш муҳлати тугаганда; фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганида; фуқаронинг миллати ва туғилган йили ўзгарганида; ёзувларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланганда; визалар ва алоҳида қайдлар учун мўлжалланган варақлар тўлиб бўлганида (тугаганида); паспорт фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келганида.

Паспортни алмаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги ариза:

туғилганлик ҳақида гувоҳнома (биринчи марта паспорт олиш чоғида); илгари олинган паспорт.

Фуқароларга паспортлар 15 кун ичида берилади. Паспорт бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Паспорт шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган йили ўзгариши ёки ёзувларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланиши муносабати билан алмаштирилса, ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

«Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тўғрисида»ги Йўриқноманинг 16-бандига кўра, фуқаро паспорт олиши ёки алмаштириши учун ҳужжатларини ва фотосуратларини тегишли ёшга тўлишидан 15 кун олдиндан бошлаб то шу ёшга тўлганидан ёхуд фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва миллати ўзгарганидан, ёзувларда ноаниқликлар аниқланганидан, паспорт фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келганидан сўнг бир ойгача муддат ичида топшириши лозим. Бордию паспорт муайян муддатга берилган бўлса, унинг амал қилиш муҳлати тугагач, уч кун ичида фуқаро уни алмаштириш учун тегишли ички ишлар идорасига мурожаат қилиши керак. Ўзбекистон Республикаси фуқароси хорижга чиқадиган тақдирда, унинг паспорти амал қилиш муҳлати олти ойдан кам қолган ёки чиқиш визасининг муҳлати билан тенг бўлган тақдирда алмаштирилади.

«Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 31-бандига кўра, ички ишлар идораларига келиб тушган ҳужжатларни паспорт бўлинмаларининг бошлиқлари кўриб чиқиб, паспорт бериш, алмаштириш ёки буни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишади.

Фуқароларга паспортлар 15 кун ичида берилади. Паспорт бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Фуқаролар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтишлари учун Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги Махсус комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– белгиланган намунадаги ариза;

– Ўзбекистон Республикаси паспорти ёки яшаш гувоҳномаси;

– аризачининг қариндошлари ёки танишларининг унга яшаш жойи беришга розиликлари ҳақида нотариал тасдиқланган аризалари.

Комиссия бир ҳафталик муддат ичида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, фуқарони рўйхатга олиш ёки унинг илтимосини рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

Комиссия фуқарони Тошкент шаҳрига доимий рўйхатдан ўтказиш масаласини ҳал этиш чоғида уни турар жой, иш ва ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш имкониятларини ҳисобга олиши лозим.

Комиссиянинг хулосаси туман ички ишлар бўлими (бошқармаси)га ижро этиш учун юборилади. Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига тааллуқли барча масалалар жумладан, паспорт бериш ва алмаштириш масалалари бўйича қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингиз мумкин:

Республика ИИВ ХЧК ва ФРБ: 132-66-02, 132-66-03, 132-65-84.

Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФРБ: 133-95-10; 136-36-75.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ – АМАЛДА

МАСЪУЛИЯТИМИЗ ОШМОҚДА

Инсон улуғ зотдир. Унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатимизнинг бош мақсадига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига алоҳида эътибор берилаяпти. Халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар билан бир қаторда маъмурий соҳаларда ҳам кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу эса мустақил давлатимиз демократия сари дадил қадам ташлаётганини ёрқин намоён қилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимининг босқичма-босқич либераллаштирилишида, энг аввало, адолат ва инсонпарварлик принциплари асос қилиб олинган. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида биринчи бўлиб ўлим жазосини бекор қилишга киришди. Бу борада Президентимизнинг Фармони ҳамда уни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш юзасидан қилинадиган ишларни жадаллаштиришга қаратилган Фармони эълон қилинди.

Айни кунларда республикамизнинг таниқли олимлари, ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиб, ушбу тарихий ҳужжатнинг мазмунмоҳияти бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Жойларда бўлиб ўтаётган муҳокамаларда билдирилаётган таклиф ва истаклар Фармоннинг ижросини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда ҳисобга олинмоқда.

Туманимиз ички ишлар бўлими шахсий таркиби ўртасида ушбу ҳужжатни ўрганиш ва унинг тарихий аҳамиятини тушунтириш ишлари режа асосида, доимий равишда олиб борилмоқда. Фармон биз, ички ишлар ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Терговчилар, прокурорлар томонидан бундай жазолар тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўз вақтида, сифатли ўтказилишига, жиноят изларини аниқлашга, ашёвий далилларни қонунда белгиланган тартибда қайд этилиши ва расмийлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Шу билан бирга маҳбус, маҳкумларга нисбатан тазйиқ ўтказиш, қийнаш, ғайриинсоний муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик, уларнинг ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор жиддий ишлар олиб борилиши лозим.

Туман ички ишлар ходимлари шахсий таркиби ана шу юксак масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб бориб, ўз фаолиятларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларига оғишмай амал қиладилар.

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ,
Шайхонтоҳур тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник.

POSTDA·TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 14 август – 20 август

НТВ, сешанба 0.55

Эрнинг хиёнати нафақат хотинига, балки кўплаб яқинларига фойда келтириши ҳаётда камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлса керак. Ёстиқдошлар ўртасидаги хира тортиб бораётган ҳис-туйғулар бу хиёнатдан сўнг янги куч билан ёлқинланади. Энди эр-хотин ўз ҳаётларига янгича назар ташлашади. ..

Рольларда: Жулия Робертс, Роберт Дювалл, Жина Роулендс.

«ГАП БОР» («ЕСТЬ О ЧЕМ ПОГОВОРИТЬ»)

СТС, душанба

2.45 Жангари фильм «САМОВИЙ ОВЧИ» («ВОЗДУШНЫЙ ОХОТНИК»).

АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари учувчиси Жек Холлоуэй давлатга хиёнат қилишда айбланади. Уни қамоқхонага олиб кетишаётганида қочишга муваффақ бўлади. Сўнг садоқатли дўсти ёрдамида ҳақиқий сотқинларнинг изига тушади. У хоинларни фош этиб, ўзининг айбсиз эканлигини исботлаши учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган синовлардан ўтиши лозим.

Рольларда: Дольф Лундгрен, Мистро Кларк.

ТВ 3, чоршанба

21.30 Триллер «БОШҚА ОДАМ» («ДРУГОЙ»)

Жесси ва Полнинг ўғли – 8 ёшли Адам ўзининг туғилган кунида фожиали равишда ҳалок бўлади. Генетика бўйича мутахассис – доктор Ричард ўзининг собиқ курсдоши Жессига ўғлини клонлаштиришни таклиф этади. Қарабсизки, янгидан соғлом ва бахтли Адам дунёга келади. Аммо саккиз ёшга тўлгач, у руҳан ўзга одамга айланади – бошқаларнинг ҳис-туйғулари, хотиралари билан яшай бошлайди...

Рольларда: Роберт Де Ниро, Ребекка Ромин, Грег Киннер.

«Биринчи» канал, пайшанба

23.45 Бадиий фильм «ЛАС–ВЕГАСНИ ТАРК ЭТА ТУРИБ» («ПОКИДАЯ ЛАС-ВЕГАС»)

Бен Сандерснинг ҳаёти нақ дўззахга айланади. У ичкиликка қачон муккасидан кетганини ўзи ҳам аниқ эслай олмайди. Шунинг оқибатида ишидан, хотинидан ажралади. Шундан сўнг ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади. Бор-будини сотиб Лас-Вегасга йўл олади. Бу дунёдан кетар жафосига қовоқхонаю ресторанларда сўнгги бор тўйиб айш-ишрат қилмоқчи бўлади.

Рольларда: Николас Кейдж, Элизабет Шу, Жулиан Сэндз, Ричард Льюис, Стивен Уэбер, Эмили Проктер, Валерия Голино, Грэм Беккел, Ким Адамс

«Ўзбекистон» телеканали

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.40 Олтин мерос.
«Ёз – ўтмоқда соз»:
8.50 1. «Мушуклар ва итлар». Болалар учун фильм. 2. «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг. »
11.40 «Ўлдинг, азиз бўлдинг». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.45 «Ўлдинг, азиз бўлдинг». Спектакль. 2-қисм.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Аёл ва жамият».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ« студияси намойиш этади.
17.40 «Қалпоқ«. Ҳажвий кўрсатув.
18.15 «Мозий сирлари». 1-қисм.
18.35 «Пойдевор». Видеофильм. 5-қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ватан ҳақида қўшиқлар». Илҳом Иброҳимов.
22.00 «Тақдир туҳфаси». Телесериал премьераси (Корея)
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
23.45-23.50 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканали

16.00 Давр.
16.20 Болажон.
16.30 Ватан ҳақида ўйлар.
16.35 Солиқ хизмати хабарлари.
16.45 Матонат.
17.00 Қизил ҳудуд.
17.20 «Хазина». Беҳзод миниатюралари.
17.35 «Ниҳол» мукофотига номзодлар.
17.50 UzEX хабарлари (инглиз ва рус тилларида)
18.15 «Моя мечта». Дунё таомлари.
18.45 UzEX хабарлари.
18.55 Менинг диёрим.
19.00 Давр.
19.40 Автопатрул.
20.00 Спорт-лото.
20.10 SMS-наволар.
20.30 Окшом кўнгироқлари.
20.35 Ракурс.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ниҳол» мукофотига номзод Озод Тилланазаров куйлайди.
21.35 «Самодаги юлдузлар». «Пахтакор-79» хотирасига бағишланади.
22.00 Давр.
22.40 «YOSHLAR»ДА ЁЗ ОҚШОМЛАРИ.
0.10 - 0.15 Орзулар бекати.

«Тошкент» телеканали

18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Мультфильм. «Покахонтас».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури. (рус).
18.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига: «Келажакка интилиб».
19.00 «Телекурьер-маркет».
19.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
19.40 Мусиқа SMS.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Индаба». Телесериал. (рус).
20.45 «Телекурьер-маркет».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури. (рус).
21.50 «Кино мўъжизалари». Илмий-оммабоп фильм.
22.15 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 Кино. »Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport» телеканали

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия». Информационтаҳлилий кўрсатув.
8.30 Мультфильм.
9.00 «Талқин». Информационтаҳлилий кўрсатув.
9.30 Белбоғли кураш. Республика турнири.
9.50 «Детективлар».
10.25 Жаҳон спорти. Теннис.
11.15-12.05 «Талисман». Сериал.
«Sport» телерадиоканали.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спортимиз маликалари».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)
18.55 «Мени кутгил».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Футбол шарҳи».
22.10 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
23.10 Енгил атлетика. Европа чемпионати.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Профилактика
17.00 Телеэкспромт
17.30 Мусиқий табассум
18.00 Болалар соати
18.20 Севги наволар»
18.40 «Ишонч – ТВ»
19.00 «Ошикона»
19.40, 21.45 Телехамкор
20.00 Мусиқий табассум
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
21.55 Мусиқий табассум
22.25 «Коинот – ТВ»
22.30 Сериал «Самовий саргузаштлар, клонлар хужуми»

«Первый»

4.00 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.30 «Агент национальной безопасности». Фильм
9.30 «Доктор Курпатов»
10.00 «Малахов +»
11.15 Сериал «Талисман»
12.05 «Дети на заказ». Док. фильм
13.00 Другие новости.
13.20 Криминальная Россия
14.20 «Продавцы чудес». Док. фильм
15.20 Сериал «Веселые соседи»
15.55 «Пусть говорят»
17.15 Премьера. «Понять. Простить»
17.50 «Любовь как любовь». Фильм
18.55 «Жди меня»
20.00 Время
20.30 Фильм «Близнецы»
21.25 Тайны века
22.25 Криминальная Россия
22.50 «На ночь глядя»
23.40 «Микаэл Таривердиев. Мгновения». Док. фильм
0.35 Комедия «Три ниндзя: костяшки вверх»
2.00 Время
2.30 Триллер «Искусственная ложь»

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Фильм «Табор уходит в небо».
9:50, 12:45, 15:45, 18:40, 23:15, 3:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:50 «Комната смеха».
11:45 «Частная жизнь»
13:40 Фильм «К вам пришел ангел...»
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Сериал «Волчица».
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 Сериал «Тайны следствия».
22:15 Мой серебряный шар
23:35 Сериал «Угон».
0:40 «Дорожный патруль».
0:50 Фильм «Флетч»
2:30 Канал «Евроньюс»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
7:10 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ-2»
8:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9:20, 14:30, 17:30, 20:50, 4:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
10:00 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
11:00 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
12:25 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
15:30 Сериал «КОДЕКС ЧЕСТИ»
18:40 Сериал «ОСТРОГ. ДЕЛО ФЕДОРА СЕЧЕНОВА»
19:50 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»
21:45 Детектив «ТЕАТР ОБРЕЧЕННЫХ»
22:50 Сериал «СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ»
23:50 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0:45 Боевик «БАЗА-2»
2:20 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ-2»
3:05 «БИЛЬЯРД»
3:55 Сериал «ВАВИЛОН 5»

ТВ 3

7.00, 8.00 Мультсериалы
7.30 Победоносный голос.
9.00 Про кино.
9.30 «Скетч-шоу»
10.00 Худ. фильм «СОВЕТНИК ПРЕЗИДЕНТА»
12.00 Худ. фильм «ИНСПЕКТОР-РАЗИНЯ»
14.00 «Скетч-шоу»
14.30 Про кино.
15.00 Худ. фильм «С ЛЮБОВЬЮ, ЛИЛЯ»
17.00 Худ. фильм «ЛЮБОВНЫЙ НАПИТОК №9»
19.00 Худ. фильм «ТАЙНЫЙ ПЛАН»
21.00 Киномания.
21.30 Худ. фильм «БИТВА ДРАКОНОВ»
23.30 Худ. фильм «ЗА ГРАНЬЮ ВРЕМЕН»
1.30 Сериал «СЕМЬЯ СОПРАНО»
2.30 Худ. фильм «МИШЕНЬ НОМЕР ОДИН»
4.30 Сериал «СЕМЬЯ СОПРАНО»
5.30 Relaks.

ДТВ

7.30, 15.35 Мультфильмы.
9.00, 15.05, 21.00 Смешное видео.
9.30, 16.30 «Как уходили кумиры»
9.55 «Неслучайная музыка».
10.00 Телемагазин.
10.30 «Карданный вал +».
10.55 Фильм «ДЕЛО БЫЛО В ПЕНЬКОВЕ».
13.00 Сериал «РЫЦАРЬ ДОРОГ».
14.05 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
17.00 Фильм «С ЛЮБИМЫМИ НЕ РАССТАВАЙТЕСЬ».
18.40 «Этот безумный мир».
19.05 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
20.00 Сериал «РЫЦАРЬ ДОРОГ».
21.30 «Каламбур».
22.00 Сериал «Мафия».
23.00 Сериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ».
0.00 Сериал «ЛАС-ВЕГАС».
1.00 «Карданный вал +».
1.30 «Каприз».
2.25 Музыка

ТНТ

4.45 «Москва: инструкция по применению»
5.10 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТБИЧ». Теленовелла
6.05 «Глобальные новости»
6.10, 10.55 Никелодеоны
7.30 Наши песни.
8.00 «ПАРНИ КАК ПАРНИ». Комедия
10.00 «Дикие дети»
12.30 Такси.
13.00 Деньги на проводе.
13.30 Маски-шоу.
14.00 «ЛАБИРИНТЫ РАЗУМА». Сериал
15.00, 20.00, 22.55 «Дом-2»
16.00 «Школа ремонта»
17.00 «САША + МАША».
17.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
18.00 Такси.
18.30 Москва: инструкция по применению.
19.00 «Няня спешит на помощь»
21.00 Комедия «ДЕРЖИСЬ ДО КОНЦА»
23.30 Москва: инструкция по применению.
0.00 Наши песни.
0.15 «ПАРНИ КАК ПАРНИ». Комедия
2.05 «Ночные игры»
3.05 «Голод».
4.00 «Верю - не верю»

СТС

7.00, 14.30 Мультфильмы
8.00 «33 квадратных метра».
8.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Худ. фильм.
10.00, 20.3, 0.30 Истории в деталях.
10.28, 20.58, 0.58 Настроение с Е. Гришковцом.
10.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
11.00 Кино «СЕТИ ЗЛА».
13.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ». Худ. фильм.
14.00 Комедия «НОВАЯ СЕМЕЙКА АДДАМС».
17.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
17.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Худ. фильм.
18.30 «КОМИССАР РЕКС». Худ. фильм.
19.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
20.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Худ. фильм.
22.00 «РАЗВОД И ДЕВИЧЬЯ ФАМИЛИЯ». Худ. фильм
23.00 «ОТЧАЯННЫЕ ДОМОХОЗЯЙКИ» Худ. фильм.
0.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
1.00 «ЧАСТИ ТЕЛА». Худ. фильм.
2.00 «КОВАРСТВО ГОР». Худ. фильм.
2.45 Кино «ВОЗДУШНЫЙ ОХОТНИК».
4.15 «ТАКСИСТ». Худ. фильм
5.40 Музыка

7 ТВ

6.00, 7.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00. 7 новостей.
6.05 «Советский спорт»
6.25, 22.25 Бокс. Легендарные бои XX века.
7.05 Зарядка для страны.
7.25 Веселые старты.
Профилактика с 8.00 до 18.00.
18.05 «220 вольт».
18.25 AutoFashion.
18.35 Звезда автострады.
19.05 Музыкальный трек.
19.25, 20.25, 21.05, 21.25 Экстремальный спорт.
20.05, 4.25 Магия оружия.
22.05, 2.05 Диалоги о рыбалке. Классика.
23.05 KOTV: классика бокса.
0.05 Дартс. Чемпионат мира.
1.05 European Open Poker.
2.25 Картинг.
2.35 Гонки RTCC.
3.05 World Poker Tour.
4.05 Бешеные колеса.
4.35 Экстремальный контакт.
5.05 Футбол. Чемпионат России. «Химки» (Московская область) - «Динамо» (Брянск).

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
«Ёз - ўтмоқда соз»:
9.10 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.20 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Эзгулик».
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги».
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.15 «Давосиз дард бўлмас». «Ҳужжатли фильм».
12.40 «Тақдир тухфаси».
19.00 Шоу рекордов Гиннесса.
20.00 «Чемпионат анекдотов».
21.00 Худ. фильм «ПОСЛЕДНИЙ ИЗ МОГИКАН».
23.05 Сериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ»
1.05 Шоу рекордов Гиннесса.
2.05 «Девушки в бикини».
2.35 Худ. фильм «БЛЭК ДЖЕК».
5.00 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
5.50 Высокая цена славы.
6.20 Музыка

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета»
6.20 Мультфильм
6.45 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТБИЧ». Теленовелла
7.30 «Антология юмора»
8.35 «Фигли-Мигли»
9.00 «Хит-парад дикой природы»
10.00 «АБСОЛЮТНО ПРАВИЛЬНЫЕ МАЛЬЧИКИ». Комедия
12.25 Такси.
12.55 «Возможности пластической хирургии»
13.50 «СТЕРВЫ, ИЛИ СТРАННОСТИ ЛЮБВИ». Мелодрама.
15.00, 20.00, 22.30 «Дом-2»
16.00 «Клуб бывших жен»
17.00 «Няня спешит на помощь»
18.00 Такси
18.30 «Деревня дураков»
19.00 «Необъяснимо, но факт»
21.00 Комеди Клаб.
22.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
23.00 «Секс»
23.35 «СЕМЕЙКА АДДАМС». Комедия
0.05 Наши песни.
0.20 «АБСОЛЮТНО ПРАВИЛЬНЫЕ МАЛЬЧИКИ». Комедия
2.20 «Ночные игры»
3.20 «Голод».
4.15 «Верю - не верю»

СТС

7.00 «ФОРМУЛА ЭДЕМА». Худ. фильм.
8.35, 10.30 Мультфильмы
10.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».
11.15 Кино «ГЕНИЙ».
13.00 «Хорошие песни»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 «Прогулки с пещерным человеком»
17.00 Истории в деталях.
17.30 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ». Худ. фильм
18.35 Кино «ДВОЙНОЙ УДАР».
20.50 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
22.00 Кино «ДЕЙСТВУЙ, СЕСТРА!»
0.00 «Хорошие шутки»
2.00 Кино «ПОМНИ».
3.55 Кино «ВСПЛЕСК».
5.40 Музыка

7 ТВ

6.00, 2.00 Ле-Ман: историческая гонка.
7.00, 8.00 Веселые старты.
8.30 Мультфильмы.
9.00 Х/ф «МОЙ ЛУЧШИЙ ДРУГ - ГЕНЕРАЛ ВАСИЛИЙ, СЫН ИОСИФА».
11.00 Точка опоры.
11.30, 24.00 F-1. Ретро.
12.30, 18.40 Гонки RTCC.
12.40, 22.40 KOTV: классика бокса.
13.30, 23.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
14.00 NASCAR: Back in the day.
14.30 Формула BMW. Этап № 7 (Нюрбургринг). 1-я гонка. Прямая трансляция из Германии.
15.10 Евросерия F-3. Этап № 6 (Нюрбургринг). 1-я гонка. Прямая трансляция из Германии.
16.10, 22.10 Звезда автострады.
16.30 Гонки из серии ДТМ. Этап № 5 (Нюрбургринг, Германия). Квалификация. Прямая трансляция.
17.30 Rally (Racing) Action.
18.30, 22.30 Картинг.
19.00 Журнал IAAF «Athletix».
19.30 Скачки / Бега.
20.00 Total Регби.
20.30 Motorsport Mundial.
21.00 Gillette World Sport.
21.30 Гольф.
22.00, 1.00, 5.00 AutoFashion.
1.10 Покер. Austrain Poker Championship 2006.
3.00 Музыкальный трек.
3.10 Покер. World Poker Tour.
4.00 Ужасы спорта.
4.10 Бешеные колеса.
4.30 Магия оружия.
4.40 Экстремальный контакт.
5.10 Регби. Чемпионат России. «ВВА-Подмосковье» (Московская область) - «Слава» (Москва).

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
«Ёз – ўтмоқда соз «:
8.45 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Уддабурон болалар». Болалар учун фильм.
11.00 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломатлик сирлари».
11.20 «Навобахш».
12.05 «Ҳажвия бисотидан».
12.25 «Шийпондаги учрашувлар».
13.15 «Тақдир туҳфаси». (Якунловчи қисм)
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан «Муқаддас қадамжолар».
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Олтин тож». Телеўйин.
17.15 «Шўрданак».
17.40 «Жиддий ўйин».
18.35 «Оҳанглар оғушида».
18.40 «Интеллектуал ринг».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «50х50». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Аёл қалби наволари». Дилнура Қодиржонова.
22.25 «КиноТеатр».
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.55 «Спартак». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.55-24.00 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканали

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.05 Полапон.
8.20 Оҳанрабо.
9.00 «Ватанпарвар» дастури.
10.00 «Journal» (инглиз тилида)
10.20 Ватан ҳақида ўйлар.
10.25 «Камолот» хабарлари.
10.40 Якшанба нонуштаси.
11.15 «Афсона». Бадиий фильм.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.20 «YOSHLAR»ДА ЁЗ ОҚШОМЛАРИ.
15.50 «Қаҳқаҳа».
16.15 Ватан ҳақида ўйлар.
16.20 Ринг қироллари.
17.10 Чемпион сирлари.
17.35 SMS-наволар.
18.00 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйин.
18.55 Менинг диёрим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.45 SMS-наволар.
20.15 Оқшом қўнғироқлари.
20.20 Эълонлар.
20.30 «ЗЕРДА». Сериал. 16-қисм.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 «Ниҳол» мукофотини топшириш маросими.
23.30-23.35 Орзулар бекати.

«Тошкент» телеканали

«8.00-12.00» «Салом, Тошкент!» кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Табассум».
18.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
19.00 «Телекурьер-маркет».
19.20 «Санъат гулшани».
19.35 «Нима учун?»
20.15 «Ватан мадҳи».
20.30 «Туризм ҳақида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Телекурьер-маркет».
21.45 Якшанба кинозали: «Буюк жентельменлар лигаси»(рус).
23.30-23.35. «Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида)
9.10 «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
9.25 «Ҳамма ўйдалигида».
10.20 «Аралаш».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.00 «Проф-РИНГ».
12.50 «Дув- дув гап». Шоу - дастур.
13.50 «Аптека эшитади».
14.35-15.20 Снукер.
«Sport» телерадиоканали.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-«Қизилқум» (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.)
Танаффусда «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
20.00 «Вести».
20.20 «Тайм - аут».
20.45 «Спорт уик-энд».
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Тенгдош».
22.25 «Халқ ўйинлари».
22.45 «Изгой». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.45 Еврофутбол : Англия премьер лигаси.
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.05, 13.00, 16.45, 19.00 Телехамкор
9.20 Док. фильм
10.10, 12.30 Мультфильмы
10.30 Телехамкор
10.45 Худ. фильм «Фантастическая пицца»
12.45 Мусиқий табассум
13.20 Хитпарад - плюс
14.20 Шоу-бизнес янгиликлари
14.50, 18.00 Болалар соати
15.20 Аёллар орзуси
15.50 До-Ми-Соль шоу
17.00 Док. фильм
17.30 Мусиқий табассум
18.20 Юрак торлари
18.30 Сўгдиёна
19.20 Ошикона
20.00 «30-й кадр»
20.30 Мусиқий табассум
21.00 «Якшанба окшомида»
21.40 Мусиқий табассум
22.10 Киноэкрани «Маҳаллада дув-дув гап»

«Первый»

5.00, 9.00, 11.00, 14.00 Новости
5.10 Фильм «Подранки»
6.40 Искатели. «Золото Змеиной горы»
7.25 Армейский магазин
7.55 «Николай Караченцов. Возвращение»
9.10 «Непутевые заметки»
9.25 Пока все дома
10.20 «Ералаш»
11.10 Премьера. «Великие династии: Голицыны»
12.20 Фильм «Коммандо»
14.10 Спецрасследование
15.00 Комедия «Отчаянный»
17.05 «Мелодии и ритмы зарубежной эстрады по- русски»
20.00 Время
20.20 Комедия «Плохая компания»
22.30 Футбол. Чемпионат России. ЦСКА - «Спартак» (Нальчик).
0.30 Детектив «Умереть некогда»
1.55 Фильм «Генезис»
3.10 Пока все дома

«Россия»

4:45 Фильм «Последняя жертва»
6:25 «Здоровье»
6:35 «Сельский час»
7:00, 10:00, 13:00, 19:00 ВЕСТИ.
7:20 «Диалоги о животных».
7:55 Мультфильмы
8:05 Комедия «Бетховен-3»
10:20 «Сам себе режиссер».
11:10 «Смехопанорама».
12:00 «Ходжа Насреддин. Возмутитель спокойствия».
13:20 Фильм «Новые приключения неуловимых»
15:00 «Смеяться разрешается»
17:00 «Танцы на льду».
19:20 «Специальный корреспондент».
19:45 Фильм «Ситуация 202»
22:00 Фильм «Медвежатник»
0:25 Фильм «Вмешательство»
2:15 Телесериал «Гора»
3:00 «Евроньюс»

НТВ

4:30 Комедия «АСТЕРИКС И ОБЕЛИКС: МИССИЯ КЛЕОПАТРА»
6:10 Мультфильмы
6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00 «СЕГОДНЯ»
7:15 Сериал «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА»
7:40 «ИХ НРАВЫ»
8:25 «ЕДИМ ДОМА!»
9:20 «TOP GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
9:55 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС»
11:00 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
12:25 «СТИХИЯ»
13:00 Сериал «УТЕСОВ. ПЕСНЯ ДЛИНОЮ В ЖИЗНЬ»
15:30 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»
16:00 «СВОЯ ИГРА»
17:00 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО-2»
18:40 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
19:15 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
19:55 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
21:00 Боевик «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ПЛУТО НЭША»
22:50 «PRIDE. БОИ БЕЗ ПРАВИЛ»
23:25 Фильм «СЕЛЕНА»
1:55 Фильм «ПОЛЯ СМЕРТИ»
4:05 «НЕПРИКАСАЕМЫЕ. ПОДЛИННЫЕ ИСТОРИИ»

ТВ 3

7.00 Мультфильмы
10.00 Худ. фильм «ДРАКОН ПИТА»
12.30 Худ. фильм «12 СТУЛЬЕВ»
18.30 Курьер.
19.00 Сериал «ШПИОНКА»
20.00 Худ. фильм «ТРИО»
21.45 Худ. фильм «МАКСИМАЛЬНЫЙ РИСК»
23.45 Худ. фильм «РЕВОЛЬВЕР»
2.15 Худ. фильм «ПОТОМСТВО ЧАКИ»
3.45 Худ. фильм «НЕЗАДАЧЛИВЫЙ МАНЬЯК»
5.30 Relaks.
6.30 Мультфильмы.
7.30 Жизнь, полная радости.

ДТВ

8.00 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
8.55 Для милых дам.
9.25 Мультфильмы.
11.15 Фильм «МОЙ МЛАДШИЙ БРАТ».
13.30, 4.10 «Как уходили кумиры»
14.30 «Домашние монстры»
15.25 «Время - деньги».
15.55 Худ. фильм «КУКЛА».
18.00 Смешное видео.
18.30 «Этот безумный мир».
19.00 «Шоу российских рекордов»
20.00 «Фабрика смеха».
21.00 Худ. фильм «ПРИКЛЮЧЕНИЯ КОРОЛЯ АРТУРА».
23.00 Сериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ»
1.00 «Я выжил!»
2.00 «Девушки в бикини».
2.30 Худ. фильм «БЕГ».
4.55 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
5.45 Высокая цена славы.
6.15 Музыка

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета»
6.20, 11.30 Мультфильмы
6.45 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТБИЧ». Теленовелла
7.30 «Антология юмора»
8.30 «Деревня дураков»
9.00 «Пираты». Док. фильм
10.00 «СВАТОВСТВО ГУСАРА». Комедия
12.25 Такси.
13.00 «Дикие дети»
13.50 «СТЕРВЫ, ИЛИ СТРАННОСТИ ЛЮБВИ». Комедия
15.00, 20.00, 22.30 «Дом-2»
16.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ»
17.00 «Школа ремонта»
18.00 Такси.
18.30 «Москва: инструкция по применению»
19.00 Телепроект «Кандидат»
21.00 Комеди Клаб.
22.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
23.00 «Секс»
23.35 «СЕМЕЙКА АДДАМС». Комедия
0.05 Наши песни.
0.20 «СВАТОВСТВО ГУСАРА». Комедия
2.00 «Ночные игры».
3.00 «Голод».
3.50 «Верю - не верю»

СТС

7.00 «РОВНО В ТРИ». Худ. фильм.
8.25, 10.30 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
11.00 Кино «МИЛЛИАРДЫ БЕЙЛИ».
13.00 «Жизнь прекрасна»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 «Прогулки с пещерным человеком»
17.00 Истории в деталях.
17.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
18.00 «ДАША ВАСИЛЬЕВА. ЛЮБИТЕЛЬНИЦА ЧАСТНОГО СЫСКА-4». Худ. фильм
22.00 Кино «ИДЕНТИФИКАЦИЯ».
23.50 Кино «КОРРУПЦИОНЕР».
2.00 Кино «НОВЫЕ ЦЕНТУРИОНЫ».
3.35 Кино «КОСТИ».
5.10 Кино «ГОРОД ПРОКЛЯТЫХ».

7 ТВ

6.00, 2.00 Ле-Ман: историческая гонка.
7.00, 8.00 Веселые старты.
9.00 Мультфильмы.
9.30 Х/ф «СОПЕРНИЦЫ».
11.00 Автоспорт России. Суперсерия.
11.30 Кубок Volkswagen Polo. Этап № 7 (Нюрбургринг). Трансляция из Германии.
12.10, 1.00, 5.00 Звезда автострады.
12.30, 0.00 Rally (Racing) Action.
13.30 AutoFashion.
13.40 Кубок Porsche Carrera. Этап № 5 (Нюрбургринг). Трансляция из Германии.
14.30 Картинг.
14.40 Евросерия F-3. Этап № 6 (Нюрбургринг). 2-я гонка. Трансляция из Германии.
15.30 F-1. Ретро.
16.30, 22.00 NASCAR: Back in the day.
17.00 Гонки из серии ДТМ. Этап № 5 (Нюрбургринг). Гонка. Трансляция из Германии.
18.30, 22.30 Гонки RTCC. 2006.
18.40 Формула BMW. Этап № 7 (Нюрбургринг). 2-я гонка. Трансляция из Германии.
19.30 Воздушные гонки. Этап № 6 (Будапешт, Венгрия). Прямая трансляция.
21.00, 21.30 Экстремальный спорт.
22.40 KOTV: классика бокса.
23.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
1.10 Покер. Austrain Poker Championship 2006.
3.00 Музыкальный трек.
3.10 Покер World Poker Tour.
4.00 Ужасы спорта.
4.10 Бешеные колеса.
4.30 Магия оружия.
4.40 Экстремальный контакт.
5.10 Регби. Чемпионат России. «Слава» (Москва) - ВВА-Подмосковье» (Московская область).

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ



Мисрлик Мустафо исмли чол яқиндагина ўзининг 80 ёшга тўлганини нишонлаган эди. Катта оиланинг бошлиғи бўлган бу қарияни қўни-қўшнилар, қавм-қариндошлар ҳурмат қилишарди. У сўнгги пайтларда анчайин мункиллаб қолган эди. Шунинг учун ҳам таваллуд кунидан сўнг кўчага чиқиб, икки кун деганда ҳам уйга қайтиб келавермагач, оила аъзолари хавотирга тушиб қолишди. Айниқса, қидиришлари натижа бермагач, хавотирлари баттар ошди.

Қўшни олиб келган совуқ хабар сўнгги илинжни ҳам йўққа чиқарди. Унинг айтишича, Мустафонинг жасадини касалхонада кўрган эди. Қариянинг синглиси ҳам шифохонага бориб, мурдага кўз ташлади-ю: «Вой, акажоним!» деб уввос тортиб юборди.

Қариндош — уруғлар марҳумни иззат-икром билан дафн этишди. Йиғлаб-сиқтаб охири тақдирга тан беришди. Аммо Мустафонинг ўзи ҳалибери ўлиш фикридан йироқ эди. Орадан икки кун ўтиб у уйига ўз оёғи билан юриб кириб келди. Буни кўриб оила аъзолари ҳангу манг бўлиб қолишди.

Ҳозирча қария шу пайтгача қаерда юргани-ю нималар қилгани ҳақида гапириб бермади. Маълум бўлишича, унинг ўрнига кўринишдан Мустафога жуда ўхшаган бошқа бир чолни дафн этиб юборишган экан.

РЕЖАЛАР УЛКАН

Эрон дунёнинг турли давлатларида 8 та автомобиль йиғиш заводи қуришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакатнинг саноат ва конлар вазири Али Ризо Тахмасебий Белоруссия саноат вазири Анатолий Русецкий билан бўлган учрашув чоғида баёнот берди. Янги корхоналарда «Iran Khodro» компаниясининг «Samand» русумидаги машиналарини йиғиш мўлжалланмоқда.

Шундай заводлардан бири Белоруссияда июль ойида ишга тушди. Ушбу завод йилига 6 мингта автомобиль чиқариш имкониятига эга.

Эрон вазирининг сўзларига қараганда, Сурия, Хитой, Венесуэла ва Сенегал каби мамлакатларда ана шундай корхоналарни қуриш ҳақида келишилган.

ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

«Новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Россия Ливандаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича резолюция лойиҳасини БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этди. Россиянинг БМТдаги доимий вакили Виталий Чуркин Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси ўзаро маслаҳатлашиб олгач, бу ҳақда маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, ушбу резолюция лойиҳаси 72 соат муддатга ўт очишни зудлик билан тўла тўхтатишни кўзда тутади. Илгарироқ «AFP» агентлиги Франция ва АҚШ томонидан илгари сурилган резолюция лойиҳаси Ливан томонини қониқтирмагани тўғрисида хабар берган эди.

ЭКСПОНАТ... ВОКЗАЛДАН ТОПИЛДИ

Ёдингизда бўлса, яқинда Россиянинг жаҳонга машҳур Давлат Эрмитажидан 221 та нодир экспонат йўқолгани маълум бўлган эди. 10 августгача улардан 16 таси топилди. Жумладан, учта экспонат Москва вокзалининг буюм сақлаш камерасида эканлиги аниқланди. Уларнинг қаерда сақланаётганлиги ҳақида милицияга номаълум шахс телефон орқали хабар қилди.

Экспонатларнинг ўғирланганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилган, уч киши ҳибсга олинган. Булар йўқолган буюмлар сақланган бўлимнинг марҳум ходимасининг эри, ўғли ва осори атиқалар йиғиш билан шуғулланувчи яна бир шахсдир. Марҳуманинг умр йўлдоши Николай Завадский айбини тан олди.

Ушбу ўғрилик билан боғлиқ тергов ҳаракатларини Россия Федерацияси Бош прокуратураси ўз назоратига олди. Мамлакат Президенти В. Путин эса Россиядаги барча музей фондларини текшириш бўйича комиссия тузиш борасида кўрсатма берди.

МАХСУС ОПЕРАЦИЯ ЧОҒИДА

Чилининг Линарес шаҳрида ўтказилган махсус операция чоғида полициячилар контрабандачилардан 400 килограмм кокаинни олиб қўйишди.

Жиноятчилар заҳри қотилни Испанияга жўнатишни режалаштиришган эди. Оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тезкор тадбирлар чоғида наркотрафикка алоқадор 20 га яқин кишини ҳибсга олишди.

Ҳозирча бунчалик катта миқдордаги кокаин Чилига Перудан олиб келингани маълум. Полиция ва прокуратура вакиллари воқеага оид бошқа тафсилотларни ошкор этишмаяпти.

Хитойнинг жануби — шарқий қирғоқларига ёпирилган тўфон туфайли 100 дан ошиқ киши ҳаётдан кўз юмди. Табиий офат юз берган ҳудудда шамолнинг тезлиги соатига 216 километрга етиб, кемаларни ағдариб, уй-жойларни вайрон қилган.

ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

Айниқса, Зежанг провинциясида тўфон одамлар бошига катта кулфат келтирди. Бу ерда вайроналар остидан 43 кишининг жасади олинди. Уларнинг 8 нафари болалардир. Бедарак йўқолганлар сони 80 нафардан ошди.

Илгарироқ Филиппинда ҳам тўфон пайти кўтарилган улкан тўлқинлар туфайли қирғоқ бўйидаги қишлоқларни сув босиб, икки киши қурбон бўлган, етти одам эса бедарак йўқолганди.

«Саомай» дея ном берилган ушбу тўфон Хитойда 1949 йиллан буён қайд этилган энг кучли тўфондир. Яхшиямки, табиий офат арафасида Зежанг ва Фуджан провинцияларида истиқомат қилувчи аҳолининг бир ярим миллиондан зиёди хавфсиз ҳудудларга кўчирилган эди.

ЛОНДОНЛИК ТЕРРОРЧИЛАР

«ABC» телекомпанияси Буюк Британияга қарашли самолётларда қўпорувчиликлар содир этишни режалаштирган террорчилик гуруҳи етакчилари номини ошкор этди. Террорчилар гуруҳи 10 август куни Лондонда зарарсизлантирилди. Жиноий гуруҳга бошчилик қилган Рашид Рауф, Муҳаммад ал-Гандра ва Аҳмад ал—Хон махсус операция чоғида ҳибсга олинди.

«Associated Press» агентлигининг маълумотларига қараганда, Лондон ва Бирмингем шаҳарларида ўтказилган полиция тадбири пайтида 24 киши қўлга тушди. Яна беш одам қидирувда. Террорчилар Буюк Британиядан АҚШга парвоз қиладиган 10 та ҳаво кемасини Атлантика океани устида портлатишни мўлжаллашган эди. Тахминларга кўра, зарарсизлантирилган гуруҳ «Ал-Қоида» террорчилик ташкилотига алоқадор бўлган.

Махсус тадбир муваффақиятли якунлангач, Покистон Ташқи ишлар вазирлиги вакили британиялик ва покистонлик махсус хизмат ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги туфайли террорчилик ҳаракатининг олдини олишга муваффақ бўлинди, деди. Покистоннинг ўзида ҳам ушбу иш бўйича бир неча киши ҳибсга олинган. «CNN» телеканали терговга яқин манбаларга таяниб, террорчилар гуруҳи ичига ўрнашиб олган британиялик махсус агентнинг бунда хизмати катта бўлганини таъкидламоқда. Шунингдек, америкалик махсус хизмат ходимлар террорчиларнинг телефон орқали ўзаро сўзлашувини ёзиб олгани ҳам қўл келди. Улар операция олдидан бу ахборотларни британиялик ҳамкасбларига етказишган.



N.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

ОҒУФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида яшовчи Қ. Камронбек томорқасидаги 50 кв.м майдонда 47 туп наша ўстираётгани фош этилди. Унинг хонадони кўздан кечирилганда яна 600 гр.дан ортиқ марихуана моддаси топилди. Айни кунларда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ПУЛ БЎЛСА, ЧАНГАЛДА ШЎРВАМИ?..

Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ томонидан Тошкент шаҳрида яшовчи Рустам ва Бахтиёр исмли шахслар Аҳад деган танишлари орқали катта миқдордаги пул эвазига олийгоҳга киритиб қўяётганликлари тўғрисида келиб тушган маълумот юзасидан тадбир ўтказилди. Натижада Р. Аҳад ва ҳамтовоғи К. Рустам қашқадарёлик Д. Беҳзод, Д. Лайло ва Б. Дилнавозни Тошкент Давлат педагогика университетига, Қ. Фарҳодни эса Тошкент Юридик коллежига киритиш эвазига мазкур ўқув юртларига ҳужжатлар топширилганлиги тўғрисидаги тилхат ва 3950 АҚШ долларини пойтахтнинг Усмон Носир кўчаси «Жанубий» темир йўл шоҳбекати қаршисида ўзига тегишли «ГАЗ-3102» русумли автомашина ичида олаётган вақтда қўлга туширилди. Улардан хизмат гувоҳномалари, 3950 АҚШ доллари ва яна қўшимча 1180 АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинди. Бундан ташқари, Р. Аҳадга тегишли папкадан 5 нафар абитуриентнинг тилхатлари ҳамда 6500 АҚШ доллари чиқди.

Шу куни Қатортол кўчасида ўтказилган тадбирда ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Бахтиёр Д. Беҳзоддан Д. Шерзод номига тайёр диплом тўғрилаб бериш эвазига 900 АҚШ доллари, Р. Нурбек, Д. Шерзод ва Ж. Ҳабибаларнинг паспорт нусхаларини олаётганда қўлга тушди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан тергов ва суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

ЁЛҒОННИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ навбатчилик қисмига Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйлардан бирининг олдидан «Нексия» русумли автомашина ўғирланганлиги ҳақида хабар тушди. Шу заҳоти «Тутиш» тадбири эълон қилинди.

Паркент бозори ҳудудида хизмат олиб бораётган ЙПХ ходимлари қидирилаётган «Нексия»ни тўхтатишди. Энг қизиғи, транспорт воситасини ҳеч ким ўғирламаган, аксинча, Қ. Жамшид онасининг розилиги билан ҳайдаб кетган экан. Хўш, унда аёлнинг машинамни ўғирлашди, дея ёлғон кўрсатма беришига сабаб нима? Ўйламай қилинган иш келтирар ташвиш, деганларидек, энди автомашина эгаси қилмиши учун жавоб беришига тўғри келади.

ҚАЛБАКИСИДАН САҚЛАНИНГ!

Хоразм вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Урганч шаҳрида яшовчи К. Мансур гумашталари билан ҳамкорликда қалбаки сўм ва АҚШ долларини ясаб, муомалага киритаётган вақтда қўлга олинди.

Дастлабки тергов жараёнида аниқланишича, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари Қ. Ниғора, О. Шоҳрух, Ш. Дилдоралар қалбаки купюраларни «Хоразм реклама сервис» масъулияти чекланган жамиятнинг хизмат хонасига ўрнатилган компьютер ва рангли принтерлардан фойдаланган ҳолда тайёрлашган.

МАНЗИЛИГА ЕТМАГАН ОҒУ

Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармасига Тошкент вилояти Оққўрғон туманида яшовчи Анвар исмли фуқаро мунтазам гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиши тўғрисида маълумот келиб тушди.

Пойтахт вилоятининг «Бойсун» блок-постида ўтказилган тадбир чоғида М. Анвар 2 кг.дан ортиқ героинни олиб ўтаётган вақтда ушланди. Худди шу куни шериги Тожикистон Республикасида туғилган, ҳозирда Бўка туманида истиқомат қилувчи А. Зуҳур ҳам жиноят устида қўлга олинди. Унинг хонадони текширилганда 1 кг. дан ошиқ героин яшириб қўйилгани маълум бўлди. Улардан жами 3 кг 156 граммдан ортиқ героин моддаси далилий ашё сифатида олинди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ҲУШЁР ФУҚАРО

Содир этилган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар қисқа фурсатда фош этилиши кўп ҳолларда фуқароларнинг ҳушёрлиги ва ўз вақтида хабар беришларига боғлиқ. Шу йил 13 июль куни тунги соат 03.00 ларда Чилонзор тумани Чўпонота кўчасида жойлашган дўконларнинг бирида номаълум шахс ойнани синдириб, ичкаридан ҳар хил маҳсулотларни олиб чиқаётганини кўрган фуқаро туман ИИБга телефон орқали хабар беради.

Воқеа жойига етиб келган тезкор-тергов гуруҳи дўкондан ўғрилик қилаётган шахсни далилий ашёлар билан қўлга олди. У муқаддам жиноят содир қилиб, амнистия туфайли жазодан озод этилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Суннат экан.

ФИРИБГАР ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

Фирибгарлик, текин даромад ортидан қувиш борабора кишини тубанлик ботқоғига ботириб ташлайди. Ҳаётда бунга жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Фирибгар тузоғига илинганлар, ундан жабр кўрганлар тўғрисида бот-бот телевидение орқали кўрсатилган, газета ва журналлар саҳифаларида ёритилган. Лекин ҳамон соддадил одамлар учраб турибди. Пойтахтимиздаги бозорларда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш борасида Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ ходимлари томонидан махсус тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлар чоғида Юнусобод туманидаги бозорда фаолият кўрсатаётган сохта тадбиркорнинг кирдикорлари ҳақида маълумот олинди. Уни жиноят устида қўлга олиш юзасидан режа ишлаб чиқилди. Алдов ва фирибгарликни мукаммал эгаллаган бу шахс одамлардан сотиб бериш учун катта миқдорда гўшт маҳсулотларини олиб, сотиб бўлгач, пулини қайтармасдан юрган. Ш. Ҳусаннинг қарзлари аниқланганда 9 млн 473 минг сўм ва 200 АҚШ долларини ташкил этди.

Айни дамда унинг кирдикорларини фош этиш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Агар сиз ушбу фирибгарни таниган ва у ҳақда маълумотга эга ёхуд ундан жабр кўрган бўлсангиз Юнусобод тумани ИИБга мурожаат қилишингиз мумкин.

ФОЖИАНИНГ САБАБЧИСИ КИМ?

Шу йил 7 август куни Андижон вилояти Хўжаобод тумани ҳудудида бир неча кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган йўлтранспорт ҳодисаси содир бўлди. Эрталаб соат 10.00 ларда ҳайдовчи Ў. Илҳом «Дамас» русумли автомашинасида «Андижон-Хонобод» йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб бораётганда, қарамақарши томондан келаётган М. Абдумўмин бошқарувидаги «МАЗ» русумли юк автомобили билан тўқнашув содир этади. Натижада «Дамас» автомашинасида ёнғин чиқади. Оғир тан жароҳати олган ҳайдовчи Ў. Илҳом ва тўрт нафар йўловчи воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади. Яна беш нафар йўловчи шифохонага ётқизилади. Мазкур йўлтранспорт ҳодисаси юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳодиса тафсилотлари ўрганилмоқда.

БОСҚИНЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Шу йил 14 июль куни икки номаълум шахс пойтахтнинг Чилонзор тумани Халқлар Дўстлиги кўчасидаги уйлардан бирига бостириб кириб, хонадон соҳибасига нисбатан жисмоний куч ишлатишади ва жабрланувчидан кўп миқдорда пул талаб қилишади. Уй бекасидан 50 минг сўм пулни олиб, воқеа жойидан яширинадилар. Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлар жараёнида ушбу жиноий гуруҳнинг икки аъзоси қўлга тушди. Ўтказилган суриштирувлар натижасида уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам аниқланиб, яна уч киши қўлга олинди ва бир кишига нисбатан қидирув эълон қилинди. Бундан ташқари, улар пойтахтимизнинг турли жойларидаги хонадонларда ҳам босқинчилик жинояти содир этишгани аниқланди. Босқинчилардан турли хил ясама ўқотар қуроллар ва патронлар далилий ашё сифатида олинди.

Ушбу уюшган жиноий гуруҳнинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги тергов жараёнида ўрганилмоқда.



Саҳифа ИИВ Матбуот маркази томонидан тайёрланди.

SALOM MENING QADRLI DO'STLARIM

Bugun ham sizlar uchun turli xil boshqotirma, skanvord va topishmoqlarni tayyorlab qo'ydim. Ular bo'sh vaqtingizni mazmunli o'tkazishingizda yordam beradi deb o'ylayman.

Yangi uycha qo'limda
Eshigida qulfi bor.
Qog'ozlar yashar unda
Barchasi bizga darkor.

Portfel

Men ba'zida katak-katak,
Ba'zan yo'l-yo'l bo'laman.
O'quvchiga yaqin do'st
Ko'p yozuvga to'laman.

Daftar



Aziz bolajonlar ushbu suratda joylashgan so'zlardagi harflar joyini o'zgartiring va har bir buyumga mos tushadigan yorliqchani tanlashda mushukchalarga yordamlashing.



Bolalarga xarsang toshni o'rmon ichida joylashgan g'orga olib borishga yordam beringlar.



QUYOSH QAYERDA UXLAYDI?



Quyosh kun bo'yi Yerni isitib, unga o'z nurini sochadi. Kechga borgach pastlab, pastlab oxiri ko'zdan g'oyib bo'ladi. Osmon qorong'ilashib, yulduzlar ko'ringanida kech tushadi. Quyosh kechasi qayerga berkinib oladi? Hech qayerga! Aslida kun botib, kech kirishiga Yer sababchi. Bizning sayyoramiz o'z o'qi atrofida to'xtovsiz aylanib, goh bir yonini, goh boshqa yonini quyosh nurlariga tutadi. Yer Quyoshga qarab bir yoni bilan boshqa tomonga o'girilayotganda qorong'i tomonida kun chiqadi, kunduz tomoniga esa kech tushadi.

Bizning sayyoramiz bilan birgalikda unda joylashgan tog'lar, dengizlar, shaharlar, odamlar ham aylanadi. Lekin bu harakatlarni sezish qiyin, chunki Yer shovqinsiz, silkinmay va titramasdan aylanadi. Shuning uchun bizga sayyora o'z joyida turgandek, osmon bo'ylab esa Quyosh harakatlanayotgandek tuyuladi: u tongda chiqib,osmonga ko'tariladi, kechqurun ufq ortiga botadi.

BOSHQOTIRMA

Topishmoq.

Yomg'irdan so'ng chiqadi, cho'tir qalpoq kiyadi. Quyoshni yoqtirmaydi, shamolni chaqirmaydi.

Aziz bolajonlar!

Bu boshqotirmada, ikki marta kelgan harflarni o'chirib chiqsangiz, topishmoqning javobini bilib olasiz. Qani bo'sh kelmang.

B	Q	K	G	O'	A	SH
Y	T	Z	H	D	S	I
Q	M	O	Y	Y	H	L
G	L	T	Z	B	Y	M
D	I	K	A	N	SH	S

Sahifani: Muqaddas SHOKIROVA tayyorladi.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ

Комил Хоразмий XIX асрда яшаб ижод этган маърифатпарвар шоир, санъаткор, хаттот, давлат арбоби, ўз даври илғор маданиятининг машҳур вакилларидан биридир. Комил – шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, унинг асл номи Паҳлавон Ниёз Муҳаммаддир. Паҳлавон Ниёз-Муҳаммад 1825 йилда Хивада мударрис Абдулла Охун оиласида туғилди.

У дастлабки сабоқларни маҳалла масжиди қошидаги мактабдан, сўнг ўз отасидан олди. Абдулла Охун ўғлига араб, форс тилларини ўргатди ва адабиётга ҳавас уйғотди. Комил маҳалла мактабини тамомлагач, Хива шаҳридаги мадрасалардан бирида таҳсил кўради. У мумтоз адабиёт вакилларининг ижодини зўр ҳавас билан ўрганади. Навоийни ўзига устод билиб, унга тақлидан шеърлар ёза бошлайди ва тез орада машҳур шоир бўлиб етишди. У мусиқа ва хаттотлик санъатини ҳам мадрасада ўқиб юрган даврида ўрганган эди.

Комилдаги истеъдодни кўрган Хива ҳукмдори Саид Муҳаммад уни саройга тортади ва у хон саройида хаттот, Муҳаммад Раҳим II – Феруз даврида эса мирзабоши ва девонбегилик лавозимларида хизмат қилади.

Комил ўз асарларида анъанавий ишқ-муҳаббат, май-маҳбуб, маърифатпарварлик, тинч-тотув яшаш ғояларини тарғиб қилади. Шоир ижодида маърифатпарварлик ғоялари етакчи ўринни эгаллади. Бунга шоирнинг «Камол», «Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд», «Тилло соат» каби асарлари яққол мисол бўлади. Комил 1891 йил сентябрь ойида Петербургга бораётиб Тошкентда тўхтаб, «Туркистон вилоятининг газети» таҳририятининг илтимоси билан «Тошкент» деб номланган қасида ёзади. Унинг бу қасидаси ўзбек адабиётида янги ижтимоий тараққиётни акс эттирган йирик шеърий асардир.

Комил ўзбек мумтоз адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эттирди, ижодий ривожлантирди. Шунинг учун унинг кўпгина асарларида ҳукмрон табақаларнинг жоҳиллиги, мунофиқлиги, шафқатсизлиги фош этилган. Бунга шоирнинг «Тамаъ», «Рўза», «Мулло-имом» каби шеърлари ёрқин мисол бўлади.

Комил форс тилини ҳам яхши биларди. Хива хонлигидаги адолатсизлик, жабр-зулмни турмуш иллатларини фош қилишда форс тилидан ҳам унумли фойдаланди. Шоирнинг «Алғиёс», «Зи бедоди гардун», «Дод аз дасти чархи дун» матъалаи билан бошланадиган ғазаллари исёнкорлик руҳи билан йўғирилган. Комил одамларни эзгуликка даъват этади. «Ёмонлик қилишдан, қабоҳатдан нари юришга чақиради, «Ким кимга чоҳ қазиса ўзи шу чоҳга йиқилиб ўлади» деган фикрни илгари суради:

Бировни ёқса киши ёнғай
ўзи ҳам ул ўтда,
Ки шамъ ўртади
парвоналарни топди гудоз.

Комил моҳир хаттот эди. У кўпгина бадиий асарларни ва девонларни чиройли қилиб кўчирди. Кўплаб хаттотлар етиштириб чиқарди. Устод Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Муҳрикон, Шариф Тарро девон, Матёқуб Харрот девонлар шулар жумласидандир. Комил Хоразмий ва унинг шогирдлари томонидан кўчирилган девонлар жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари кутубхоналари фондларида кўз қорачиғидек сақланмоқда.

Комил Хоразмий хаттот бўлиш билан бирга моҳир таржимон ҳам эди. У XVIII асрда яшаб ўтган Бархўрдор бин Маҳмуд туркман Мумтознинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини таржима қилган. Асар насрий йўлда ёзилган бўлиб, кичик-кичик ҳикоя ва латифаларни ўз ичига олган.

Фахриддин Али Сафийнинг «Латоиф ат-тавойиб» («Турли тоифаларнинг латифалари») асарини таржимаси ҳам Комил Хоразмий қаламига мансубдир. Китобдан Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа машҳур кишилар ҳақидаги ҳикоя ва латифалар ўрин олган.

Комил Хоразмий бу асарларни таржима қилиш билан бирга уларга айрим ўзгаришлар ҳам киритган, баъзи ҳикояларни қайта ишлаган, китобнинг услубини ўз давридаги китобхонларнинг дид ва савиясига мослаштирган.

Бир сўз билан айтганда, Комил Хоразмий ўзбек мумтоз адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эттирди ва илғор адабиёт ривожига катта ҳисса қўшди. Ўз халқини маърифатли, диёрини озод, обод, фаровон кўришни орзу қилди. Шоирнинг орзулари фақат бизнинг кунларимизда рўёбга чиқди.



Тушлар таъбири

(Боши ўтган сонларда).

РАНГЛАР

Оқ ранг – ҳалол ҳаёт, ҳалол иш ва яхшилик ифодаси. Сариқ ранг– ғамгинлик, омадсизлик белгиси. Қизил ранг – улуғлик ва мартаба келаётганидан хабар. Яшил ранг – омад, муваффақият ва ниятларнинг амалга ошишидан дарак. Қора ранг – ғам-ғусса, ташвиш ва оғир дард элчиси.

РАНГ–БАРАНГ КИЙИМЛАР

Ҳаётда кутилмаган ўзгаришларнинг рўй беришидан дарак. Муаммоларни ҳал қилишда имконият ва чора топиш учун артистона ҳаракат қилиш кераклиги белгиси.

РЎЗА ТУТИШ

Тежамкорлик қилиш лозимлигининг белгиси. Оилавий рўза тутиш – нотинчликдан кейин келадиган хотиржамлик, бахт ва саломатлик ифодаси. Дўстлар билан рўза тутиш – софдил ҳамкорлар ва оғир меҳнатдан сўнг ташриф буюрадиган омад ва даромаддан хабар.

РАЙҲОН

Кимки, тушида райҳон ҳидласа – яхшиликдан хабар топади. Райҳон экса – қилаётган ишлари келажакда ўз яқинларига ва бегоналарга фойда беради. Гуркираб ўсаётган райҳон – келадиган баланд мартабадан, узоқ давом этадиган хурсандликлардан хабар. Шу нарсани аёл киши кўрса – ўзи мафтункорликка, катта бахтга, ҳурмат-иззатга ва вафодор эрга сазовор бўлади. Райҳон кўчати – фарзандлари тарбияли, меҳрибон бўлишидан дарак. Бировга райҳон берса – оқил инсонлигига ишора; бировдан олса – улуғликка туртки олади. Қуриган райҳон – сизни тушунмай, яхшилигингиз эвазига азобга дучор қилинишингиз мумкинлигидан хабар.

(Давоми бор).

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Жиғилдон. Бақа. Экин. Кафе. Рамазон. Сўх. Бос. Дамас. Бобомурод. Тола. Дўлана. Ким. Кампир. Озор. Ма. Налим. Тобе. Иш. Ладога. Эйр. Арена. Имо. Ёр. Гир. Цемент. Раис. Ан. Кенжа. Исм. Эгри. Бева. Оға. Ля. Зол. Зор. Морзе. Пари. Ла. Яман. Нуну. Уд. Сок. Ҳозиқ. Офат. Уч. Ушр. Рул. Этан. Паризод.

БЎЙИГА: Имаго. Илебо. Дерсу. Номзод. Бўза. Қанд. Момо. Касса. Хамир. Галлюцинация. Дума. Ген. Қори. Дўкон. Шам. Лира. Ми. Атакама. Аломат. Сиёб. Етар. Осмон. Жаг. Лайли. Карам. Олег. Айрон. Газел. Силла. Пенза. Камри. Оҳор. Мозор. Нуқул. Улфат. Устун. Карп. Абжад.

Муроджон КАМОЛИДДИНОВ тузди.

Илоҳий аломатлар

WMAP зонди ёрдамида камида учта оламшумул янгилик қўлга киритилди. Биринчидан, оламнинг чексиз эмаслиги аниқланди. Иккинчидан, борлиқнинг ёши маълум бўлди. У илгари тахмин қилинганидек 12-15 миллиард йиллар аввал эмас, айнан 13,7 миллиард йил бурун яратилган экан. Айримларда «Ким томонидан?» деган савол туғилиши табиий. Учинчи оламшумул янгилик ана шу саволга жавоб бўлади.

КУЧЛИ ПОРТЛАШНИНГ АКС САДОСИ

Мазкур зонд самода 2001 йилдан буён парвоз этиб юрибди. У фазони тўлдириб турган ҳар хил нурланишлардан тарқалаётган сигналларни тутишга мўлжалланган. Ҳозиргача шунчалар кўп сигналлар тўпландики, мутахассислар улардан нурланишлар харитаси тузишга муваффақ бўлишди. Олимларнинг фикрича, бу нурланишлар Кучли портлашнинг акс садосидир. Ўша портлаш туфайли миттигина, аммо ўта зич жисм парчаланиб, унинг зарраларидан атрофимиздаги олам яралган эди. Буни ожиз ақлимиз билан тасаввур этишимиз мушкул, албатта.

ИЛОҲИЙ ИШОРАТ

Нурланишлар харитаси аксар фазошуносларни ўйлантириб қўйди. Улар харитадаги «қайноқ» ва «совуқ» нуқталарнинг ўзаро алмашиниб туришида тартибсизлик эмас, ўзига хос тартиб бор, деган хулосага келишди. Таниқли астрофизиклар Стивен Хсу (Орегон университети) ва Энтони Зи (Калифорния университети) эса бунда илоҳий бир ишорат бор, деган фикрни илгари суришди. Улар «Самовий нома» номли мақолаларида бу харита оламни Аллоҳ яратганидан дарак беради деб ёзишди.

Аниқроғи улар шундай фикр юритишади: «Борлиқни ҳар ҳолда кимдир яратган. Чунки оламни яратаётиб, ўз ижоди ҳақида келгуси авлодлар учун белги – аломатлар қолдирган. Бу белги – аломатлар нурланишлар туфайли сақланиб қолган. Энди улар юқоридаги харитада ўз аксини топмоқда».

ЭЪЛОНЛАР ТАХТАСИ

– Биз «Яратувчининг номаси» қандай қилиб кодланиши мумкин, деган илмий саволни кўндаланг қўямиз, – дейишади Хсу ва Зи. – Ҳамда ушбу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Астрофизиклар яратувчи - Ижодкор образи барча халқларнинг афсона ва ривоятларида, динларида мавжудлиги бежиз эмаслигига шама қилишади. Илоҳий мавжудотларнинг турли шакл ва қиёфаларга кириши ҳақида ҳам кўплаб ривоятлар тўқилган. Қолаверса, табиатда ҳам бундай ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Хуллас, ғоялар ва тахминлар кўп. Баъзилар «Яратувчининг номаси» инсон генларида зоҳир бўлади, дея ишонишади. Айримлар «пи» рақамининг узлуксиз давом этишида илоҳий ишора борлигига ишонишади. Миср эҳромлари, ҳиндуларнинг тош қўрғонлари ва шу каби муаззам иншоотларда яратганнинг мўъжизасини кўрадиганлар қанча. Кимдир Библия ёки Таврот битикларида яширин шифрларни очмоқчи бўлишади.

– Илоҳий ишоратларни бутун борлиқдан излаш керак, – дейишади Хсу ва Зи. Уларнинг фикрича, Яратган ўз номасини айрим кишиларга ёки фақат одамларгагина йўлламайди. Аллоҳнинг борлиги нафақат маҳаллий ёзувларда, динларда ёки саноқ тизимларида, балки бутун мавжудотда ўз тасдиғини топади.

Демак, бу номалар биринчидан универсал, иккинчидан тез илғанадиган бўлиши лозим. Учинчидан, бу номалар узоқ, жуда узоқ, яъни онгли мавжудотлар бу аломатларни кўриб, ўқиб олмагунларича сақланиб қолади.

– Олам – бу мукаммал «эълонлар тахтасидир», – дея хулоса ясашади астрофизиклар. – ундаги битиклар, «эълонлар» бутун галактикадаги барча цивилизацияларга тушунарлидир.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай онгли мавжудот, ҳатто у медуза кўринишида бўлса ҳам, нурланишлар манзарасини ўрганса, кўз олдида биз кўрган харита билан бир хил харита намоён бўлади.

ЯРАТГАН НИМА ДЕМОҚЧИ?

Хўш, самода нима деб ёзилган? Ҳозирча бу саволга жавоб йўқ. Фақат тахминлар бор, холос. Бу тахминларга кўра, харитада ўзаро фарқланадиган ҳар бир «қайноқ» ва «совуқ» нуқтанинг ўз маъноси бор. Бу рамзлар ўзига хос жадвалга жамланган. Аммо ҳали уларнинг маъносини ўқишга, кодини кашф этишга эрта. Аввал қайси нуқталар қандай маъноларни ифодалашини кашф этиш керак. Яъни уларнинг нурланиш кучини аниқлаш лозим. Ҳозир бутун саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадга йўналтирилган. Хсу ва Зининг фикрича, йилдан-йилга бу ўлчов тобора аниқлашмоқда.

Олимларнинг ҳамкасблари бундай ғояга шубҳа билан қарашмаяпти. Улар фақат тафсилотлар масаласида баҳслашишяпти, холос. Баъзилар худонинг номаси тахминан 10 минг белгидан иборат дейишса, бошқалар бундан анча кам деган фикрда. Ҳозир бу белги, рамзларнинг маънолари устида ҳам бош қотиришяпти.

Хсу ва Зи Яратган оламнинг асосини ташкил этган асосий физикавий қонунларни баён этган деган фикрда. Аммо айрим мутахассислар рамзлар бошқачароқ маънони англатади, деб ўйлашади. Нима бўлганда ҳам, номаларнинг илоҳий эканлиги исботланса, бу Аллоҳнинг борлигини ва оламнинг яратувчиси эканлигини яна бир бор исботлайди.

– Номаларни таҳлил қилиш ўзга сайёралардаги цивилизацияларни излашдан бир неча чандон қизиқарлироқдир, – дейишади Хсу ва Зи.

ОЛАМ НИМАГА ЎХШАЙДИ?

Яқин-яқинларгача олимлар борлиқнинг шакли нимага ўхшашлигини билишмасди. Вариантлар кўп эди. Бировлар оламни улкан шарга ўхшатса, кимдир қовунсимон дерди. Ниҳоят мутахассислар нурланишлар харитасига эга бўлишгач, олам бешбурчак шаклдан тикилган футбол тўпига ўхшайди, деган хулосага келишди.

– Бу «тўп» ниҳоятда улкан, албатта, – дейди Британия Колумбияси (Канада) университети олими Дуглас Скотт. – Аммо қанчалик улкан бўлмасин, унинг чекичегараси бор. Баъзи бир олимлар компьютер ёрдамида бу «тўп»нинг, яъни борлиқнинг ҳажмини ҳам ўлчаб чиқишди. Уларнинг ҳисобкитобларига қараганда, оламнинг у чеккасидан бу чеккасигача бўлган масофа 70 миллиард ёруғлик йилига тенг экан.

Хўш ундан, яъни чегарадан у ёғи нима? Мутахассислар бу саволга жавоб бермасликни маъқул кўришади. Уларнинг тушунтиришича, шундан сўнг кенглик тугаркан. Масалан, Ердан фазога нур юборсак, у борлиқ «тўпи»нинг деворларига урилиб, охир-оқибат қачонлардир яна сайёрамизга қайтиб келаркан. Айрим нурлар эса олам кўзгусига урилиб, ҳатто бир неча бор қайтиб келишга улгуришган экан.

Ҳозирги замон фазошунослари борлиқ қачонлардир ўта юқори ҳароратли мўъжазгина, ниҳоятда зич жисмдан иборат бўлган, деб тахмин қилишади. Сўнг лаҳзалик кучли портлаш туфайли у янаям майда бўлакларга бўлиниб кетган. Аста – секин бўлаклар катталашиб, олам кенгайиб борган. Аммо теварак-атроф зим-зиё эди. Пайти келиб – Кучли портлашдан кейин орадан 380 минг йил ўтиб дунё бир лаҳзада ёришган. Тахминан 400 миллион йиллардан сўнг дастлабки юлдузлар пайдо бўлган.

Олимларнинг тахминича, борлиқ ҳозир ҳам кенгайишда давом этаяпти. Агар кенгайиш жараёни ҳамон давом этаётган бўлса, демак дунёнинг қачонлардир ниҳоятда тор бўлгани ҳам ҳақиқат-да. Хуллас, олам яралганидан буён не-не ҳодисотлар юз бермаган дейсиз. Уларнинг баъзиларига ожиз ақлимиз етса, баъзиларига етмайди. Шундан беихтиёр Яратувчининг тенгсиз қудратига, мўъжизасига тасаннолар айтамиз, унинг ижодидан ҳайратга тушамиз...

Массачусет технология институти олими Сет Ллойд оламни ўта мураккаб ва мукаммал компьютерга қиёслайди. Демак, бу компьютернинг янаям мукаммал дастури ва бу дастурни яратган дастурчиси ҳам бор-да... Бундай буюк дастурчига беҳисоб ҳамду санолар бўлсин!

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА

ВАТАН НАДИР

Ватан надир, ватан надир?
Ватан – бешик, ватан – қабр.
Бу дунёга келмоғинг ҳам,
Кетмоғинг ҳам ватандадир.

Киндик қонинг томган тупроқ,
Боболардан қолган тупроқ.
Қон кечилган, жон чекилган,
Алар боис алвон тупроқ.

Кўзинг очиб кўрдинг нени,
Ва не мафтун этди сени? –
Ул ватандур, гул ватандур,
Қучоғига экди сени.

Ватан надир, ватан надир?
Ватан – меҳр, ватан – қадр.
Садоқат ҳам софдиллиги –
Оқ йўргак, оқ кафан каби.

У сенга бир содиқ ҳамроҳ,
Меҳри дўстдан мустаҳкамроқ.
Арзигайдур унинг учун –
Юрагингдан тиксанг байроқ!

Ота ватан, она ватан,
Ватанки, бир дона ватан.
Жаҳоним, деб атар бўлсанг,
Жо айлагил жона, ватан.

Ватан надир, ватан надир,
Бул шундоқким аталмадир,
Жаннат истаб бўлма гирён,
Асли ризвон ватандадир.

Не топсанг ул бағридин топ.
Ватанни ўз атридин топ.
Унинг соғинч изтиробин,
Бобурнинг шоҳ сатридин топ.

Унга меҳринг сероб бўлса,
Жонингни тут, керак бўлса.
Ўнг кўксингда Ватан ўстир,
Чап кўксингда юрак бўлса!

ҲУР ЎЗБЕКИСТОН

Энди бир сўз айтай кўнглим қаридан,
Қароғимда қуёш балқиди чунон.
Гап бошламоқ нечун минг йил наридан? –
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Бу кун ҳаяжоним сиғмас ҳаддимга,
Мағрурлик ярашар адл қаддимга.
Минг бор шукроналар қилай Раббимга,
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Кимгадир йилларнинг қадри йўқ – хасдир,
Аммо ўзбек учун бахт кулди, басдир,
Бу дамлар ҳеч қачон унутилмасдир,
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Баландпарвоз сўзга ҳушим йўқ зотан,
Бўйин эгмагайман – бўлсин тиллотан.
Мени курашларга ундайди ватан,
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Жасур Юртбошимиз бошлаган йўл бу,
Кўҳна кўнгилларни ёшлаган йўл бу,
Сокин саодат бу, шошмаган йўл бу!
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Ватандош, кел энди қўлни қўлга бер,
Ёвқур нигоҳингни ойдин йўлга бер,
Бизнинг номусимиз шу муқаддас ер,
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Биз ким?
Башар билсин бунда боримиз,
Эрксевар элларнинг дўст-у ёримиз,
Ки, қадим Туркистон-ифтихоримиз,
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Қалбга қўйиб берсам тугамас байти –
Гўдак йиғлагандай туғилган пайти.
Адолат юз очиб, ҳаловат қайтиб –
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Шавқи баланд шодлик, авжида жаранг,
Тўйга тўёналар келмоқда, қаранг!
Қутлар жумла-жаҳон: олмон, рум, фаранг...
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Ризқ йиққан деҳқондай она заминдан –
Тер эмас, шеър оқар бу кун танимдан.
Бахтиёрман бунда туғилганимдан,
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Шу юртнинг шоири бўлмоқ аҳдида,
Қўлга қалам олдим ёшлик вақтида,
Бахтим буюклашар кўнглим тахтида,
Қутлуғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!
Ўтлиғ ёшга тўлди ҳур Ўзбекистон!

Ориф ТЎХТАШ.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Республика ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Абдурашид Жабборович ҚОРАБОЕВ**ни табаррук 55 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва оилавий хотиржамлик тилаймиз. Барча орзу-ниятлари амалга ошиб, ҳаёти файзли бўлсин.

ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва ОАВБАҚБ шахсий таркиби.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОТНИНГ АЧЧИҒИ – ТИЗГИНИГА

Тизгин – от, эшак ва бошқа ҳайвонларни боғлаш ёки қантариб қўйиш учун хизмат қиладиган, учи сувлиққа ёки бошвоққа бириктирилган узун тасма ёки чизимча; жилов. Отни, эшакни ва бошқа ҳайвонларни юргизмоқчи ё тўхтатмоқчи бўлсалар, тизгинни тортиб, силтаб қўядилар. Бу ҳол кўчма маънода «ўз амрига, иродасига бўйсундирмоқ, итоат қилдирмоқ, жиловлаб олиб бошқармоқ»ни англаштиради, бундан ҳайвонга оғриқ, азоб етади. Шунинг учун ҳам у тизгиндан «аччиғланади». Бу – мақолнинг тўғри маъноси. Биров бировдан беҳудага хафа бўлса, аслида эса бу хафаликнинг сабабчиси у эмас, бошқа одам бўлса, шундай ҳолда ва шунга ўхшаш ҳолларда юқоридаги мақолни мажозий маънода қўллайдилар.

ОТНИНГ ДУМИ – ЎЗИГА ҚЎРҒИЧ

Бу мақолни: бировда бир нима кўриб қолсанг, «Э, унга бунинг нима кераги бор, ортиқча бўлиб, бекордан-бекорга ётибди-ку, ундан кўра менга берақолмайдими?» деб ўйлама ҳам, сўраб, юзингни шувут қилиб ҳам ўтирма. Берса – хўб-хўб, бермаса, уни-буни баҳона қилиб рад этса – икки ўртада ўзингнинг уялганинг, қизарганинг, ҳижолат тортганинг қолади» деган маънода насиҳат қилмоқчи бўлганларида қўллайдилар. Мақолда «думи – ўзига қўрғич» деганда шуни назарда тутганларки, от баданига ёпишадиган «хира» пашша, сўна каби ҳашаротларни думи билан уриб, елпиб ҳайдаб, ўзини улардан қўриқлаб туради. Демак, унинг думи – ўзига керак бўлган нарса.

ОТОЛМАГАННИНГ ЎҚИ ОЛТИ ҚУЛОЧДАН ОШМАС

Бу мақол ношуд камон отувчининг ҳолатидан олинган бўлиб, мажозий маънода эпсиз, гап ва иш билмайдиган одамларга нисбатан қўлланилади. Мақолнинг «Отолмаганнинг сопқони ҳам бошга тегар, ҳам – кетга» деган варианти ҳам бор.

Бу масалким, отолмаган сопқон –
Бошу кетга тегар отган он.

(Завқий)

(сопқон – ичига тош солиб отиладиган қадимги содда қурол.)

ОТХОНАДА АЙВОН БЎЛМАС, БОЛХОНАДА – ҲАЙВОН

Ўз-ўзидан маълумки, кишилар ҳеч қачон отхонага айвон қуриб, унда ўтирмайдилар ва болхонада ҳайвон боқмайдилар (болхона – болохона – маҳаллий услубда қурилган иморатнинг иккинчи қавати ва шу иккинчи қаватидаги уй. Мақолда «ҳайвон» дейилганда – мол, чорва моли назарда тутилган). Шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан мажозан; «Ҳар бир нарса ўз жойига ярашади, ўз жойида «узукка кўз қўйгандай» мос, монанд, кўркам бўлиб туради. Жойига тушмаган нарса эса беўхшов, бежо, ноўрин, номувофиқ, хунук, кишининг ғашига тегадиган бўлиб кўринади ва туюлади», дейилмоқчи.

ОФТОБДА ОҚ АЙНАЙДИ, САРИҚ ҚАЙНАЙДИ

Кўпинча ҳазил-мутойиба тарзида қўлланиладиган бу мақол одамнинг рангига нисбатан айтилган, ҳамда; «Офтобда оппоқ одам (бундайларни баъзан истеҳзо йўсинда «нозик ниҳол» деб атайдилар) айнийди, яъни қорайиб, хунуклашади. Сариқ (яъни, буғдойранг) одам эса қайнайди, яъни ранги янаям «пишийди», кўркамлашади», демоқчи бўлинган.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ. 21 март – 20 апрель

Душанба куни оилавий муаммолар юзага келиши мумкин. Шу боис, белгиланган ишлар ва кўнгилочар тадбирларни ҳафтанинг охирига қолдирганингиз маъқул. Сешанба кундан бошлаб бўш вақтингиз кўп бўлади. Дам олиш кунлари юрагингизни муҳаббат туйғулари забт этади, ишқий саргузаштларнинг гувоҳи бўласиз.

СИГИР. 21 апрель – 20 май

Ушбу ҳафтада кўпроқ уй юмушлари ва хўжалик ишлари билан машғул бўлинг. Чунки ишхонада сиз ўйлаган даражада омад кулиб боқмайди. Юқори идоралардагилар таклифларингизни ҳам қабул қилмасликлари мумкин. Чоршанба куни касб маҳоратингизни оширишингиз зарур. Сўнгги кунлар дўстлар билан учрашув кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь

Дастлабки кунлар руҳингиздаги ҳорғинлик ишга ўз таъсирини кўрсатади. Кайфиятингиз яхшилангач санъат, маънавият ва фалсафага қизиқишингиз ортади. Янги техникани ўзлаштириб оласиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги танишлар билан мулоқотга киришишингиз, сафарларга боришингиз эҳтимолдан холи эмас. Шанба ва якшанба кунлари тижорат борасида муваффақиятга эришасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль

Ишхонада ва хонадонингизда муайян ўзгаришлар рўй беради. Турли мазмундаги ҳужжатларни расмийлаштиришингиз зарур. Белгиланган режаларни амалга ошириш осон кечмайди. Ҳафтанинг охиригача ҳеч қандай молиявий тадбирларга киришмай турганингиз маъқул. Пайшанба куни харидлар қилишингиз мумкин.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август

Ҳафтанинг бошида амалий ишларни бажаришда бироз қийинчиликлар туғилади. Вазиятни назорат қилишингиз мураккаблашади. Ижод билан шуғулланиш учун қулай даврдир. Ҳафтанинг охирида руҳингиз тетиклашиб, ўзингизга бўлган ишонч ортади. Талайгина муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишга эришасиз.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь

Дастлабки кунлар ишларингиз кўпайиб кетади. Янги шериклар топишингиз эҳтимолдан холи эмас. Турмуш тарзингизни ўзгартириш –чекишни ташлашингиз, пархез таомлар истеъмол қилишингиз мақсадга мувофиқдир. Молиявий ютуқларга эришасиз.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь

Янги танишлар кўмагида ҳаётингизда муайян ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Фарзандлар билан мулоқот ва қариндошларингизга кўмак бериш учун вақт ажратинг. Саъй-ҳаракатлар қилиб моддий даромад олиш имконияти бор. Коллекционерлар қимматбаҳо экспонатга эга бўлишади.

ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь

Мазкур етти кунликда мавқеингиз яхшиланади. Яқинлар ва қариндошларингиз қўллаб-қувватлайдилар. Харидлар учун пайшанба ёки жума қулай кунлардир. Касб маҳоратингизни намойиш этиш имконияти бор. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.

ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь

Ушбу ҳафтада бўш вақтингиз деярли бўлмайди. Жиддий синовлар кутилмоқда. Ҳамкасбларингиз билан муносабатлар яхшиланади. Амалий сафарлар учун қулай даврдир. Керакли одамлар билан алоқалар ўрнатишингиз мумкин. Уларнинг бой тажрибаси иш юритишингизда жуда асқотади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь

Душанба куни аввалги ҳафтадаги фаоллигингиз натижаси кўзга ташланади. Айрим масалалар бўйича тушунмовчиликлар келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Бу кўпроқ бизнес-лойиҳалар, молия ва қурилиш соҳаларига тааллуқлидир. Эски қадрдонлар, севган кишингиз ва таниш-билишлар билан мулоқотлар кўнгилли кечади.

ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль

Атрофингиздаги одамларнинг айрим эътирозларини сабр-тоқат билан эшитишингизга тўғри келади. Чоршанба куни саломатлигингиз бироз панд бериши мумкин. Ҳафтанинг ўртасига бориб энг қийин вазиятлардан осонгина чиқиб кетасиз. Шанба ва якшанба кунлари дўстлар билан учрашувлар кутилмоқда.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март

Ушбу ҳафтада муваффақиятларга эришасиз. Ҳамкасбларингиз маслаҳати ва кўмагидан оқилона фойдалансангиз рақибларингиз доғда қолишади. Жума кундан бошлаб вазифалар кўпаяди, толиқиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Айрим келишмовчиликлар кайфиятингизни тушириб юбориши мумкин. Ўзингизни қўлга олсангиз, якшанба кунга бориб ҳаммаси яна ўз ўрнига тушади.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ
ОЛИЙ ЛИГА

ЙИРИК ҒАЛАБА

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг 19-тур ўйинлари голларга бой бўлди. Хоразмда маҳаллий «Хоразм» жамоасининг меҳмони бўлган чемпионат пешқадами «Пахтакор» мезбонлар дарвозасига 9 та тўп киритиб, йирик ғалабасини нишонлади. Хоккейча ҳисоб қайд этилган ўйинда мезбонлар фақатгина битта жавоб тўпи киритишди, холос. Тошкентликлар бу ғалабадан сўнг 52 очко жамғариб, карвонбошиликни давом эттирмоқда. Пешқадамнинг яқин таъқибчиларидан бири «Нефтчи» ўз майдонида «Шўртан» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгди. Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якун топди:

«Самарқанд» – «Тўпаланг»	2:0
«Навбаҳор» – «Локомотив»	3:0
«Машъал» – «Сўғдиёна»	3:0
«Бухоро» – «Андижон»	0:0
«Қизилқум» – «Насаф»	0:0
«Металлург» – «Трактор»	1:2

2007 ЙИЛГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИ

16 август
Ўзбекистон – Гонконг
6 сентябрь
Гонконг – Ўзбекистон
11октябрь
Бангладеш – Ўзбекистон
15 ноябрь
Қатар – Ўзбекистон



ТОШКЕНТЛИКЛАР ОСИЁДА ИККИНЧИ

Футбол тарихи ва статистикаси халқаро Федерацияси (IFFHS) дунёнинг 350 та энг кучли футбол жамоаларининг янги рейтингини эълон қилди. Рейтинг жадвалида Италия «А» серияснинг ғолиби бўлган «Интер» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Европа чемпионлар лигаси баҳсларининг амалдаги чемпиони Испаниянинг «Барселона» ҳамда Англия премьер лигаси вакили «Ливерпуль» жамоалари кейинги ўринлардан жой олган.

Шунингдек, Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат кубоги мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳам IFFHS рейтингида ўз мавқеини яхшилаб олди. Янги рўйхатда «Пахтакор» беш поғонага юқорилади ҳамда 121-ўринни банд этди. Тошкентликлар Осиё футбол жамоалари орасида Иорданиянинг «Ал-Файсал» жамоасидан кейинги ўринда бормоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ.

БАДАНТАРБИЯ – СОҒЛИҚ ГАРОВИДИР

Бироз тобим қочиб шифокорга мурожаат қилган эдим, ҳар куни эрталаб бадантарбия билан шуғулланиб, танангизни чиниқтириб боринг, деди. Унинг маслаҳатига амал қилиб эрталаб барвақт турадиган, бадантарбия машқларини бажарадиган бўлдим. Тезда соғайиб, ўзимни тетик ва бардам ҳис қила бошладим.

Мен машқларни қўллар иштирокидаги ҳаракатлардан бошладим. Бунинг учун қўлларни юқорига, ёнга ва пастга йўналтириш зарур, кейин бош, елка ва белларни ҳаракатлантириш керак. Оёқларни юқорига кўтариб, қўлларга текказган ҳолда бажариладиган машқ ҳам фойдали. Аввал ўнг, сўнг чап тирсаклар белни сал эгик ҳолатда тиззаларга текказилади. Иккала қўлни олдинга узатган ҳолда ўтириб туриш тананинг қон айланиши бир маромда бўлишини таъминлайди. Барча машқларни бажариб бўлгандан сўнг, қўлларни юқорига кўтариб, чуқур нафас олиш керак.

Сизу биз ҳар куни эрталаб бажаришимиз лозим бўлган оддий бадантарбия машқлари шулардан иборат. Фақат эринчоқликдан воз кечиб, буни кундалик одатга айлантирилса кифоя. Уларни кун тартибига киритиб олганингиздан сўнг, унча олис бўлмаган масофага югуриш, гантел кўтариш, турникда тортилиш мумкин. Шундан сўнг албатта совуқ сувда ювиниб, баданни сочиқ билан яхшилаб артиш зарур.

Шундан сўнггина бошланажак кунингиз хайрли ва мазмунли ўтади. Ўйлаб кўринг-а, тонгни шу тарзда қарши олсангиз, ишчанлик, ғайратингиз тўлиб-тошса, бунинг нимаси ёмон!

Рустам САГАТОВ.

ҚЎҚОНЛИКЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Фарғона вилояти ИИБ ходимлари ўртасида волейбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Жамоалар икки ҳудудга бўлинган ҳолда баҳс олиб боришди. Қўқон ва Марғилон шаҳарлари ҳамда Ўзбекистон тумани ИИБ волейболчилари финал босқичида ўзаро куч синашишди. Муросасиз кечган баҳсларда Қўқон шаҳар ИИБ жамоаси рақибларини доғда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин мусобақага мезбонлик қилган Марғилон шаҳар ИИБ жамоасига насиб этган бўлса, фахрли учинчи ўринни Ўзбекистон тумани волейболчилари эгаллашди.

Беллашувларда лейтенант Нозимжон Деҳқонов, сержантлар Баҳодир Асқаров, Мадамин Мирзараҳимов, Хуршид Жўраев ва Пўлатжон Ҳасановлар кучли спортчи эканликларини намойиш этишди.

Ғолибларга вилоят ИИБ ва «Динамо» ЖТСЖнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ,
сержант.

ЭНДИ АФРИКАГА БОРМОҚЧИ

Марғилонлик икки дўст – Акром Маъруфжонов ҳамда Маъсуджон Ҳамидовлар Германияда ўтган Жаҳон чемпионатини ўз кўзлари билан кўриш ҳамда севимли футболчиси Оливер Канндан дастхат олиш учун 6,5 минг километр масофали йўлни велосипедда босиб ўтиб, ўз матонатларини намойиш этди.

Ўзининг Ўзбекистонда мухлислари борлигини ОАВ орқали билиб олган немис дарвозабони уларнинг Германияга келишини қутлади ва ишқибозлари билан жон деб учрашди.

Учрашувда кўз ёшини тийиб тура олмаган А. Маъруфжонов немис дарвозабонини қучоқлаб олди ва шундай деди. «Жаноб Кан! Бу мен учун нечоғлик шараф эканини тасаввур ҳам қила олмайсиз».

Яқинда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Германиянинг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ханс-Йохим Кидерлен марғилонлик футбол мухлисларини қабул қилди ва сафарнинг муваффақиятли якунлангани билан табриклади.

А. Маъруфжонов Африкада бўлиб ўтадиган кейинги Жаҳон чемпионатига ҳам велосипедда боришни режалаштирганлигини айтди.

ФУТБОЛ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Биласизми, спорт мухлисларига таниш бўлган «Шайбу! Шайбу!» чақириғи қандай пайдо бўлган? Бу сўз «Пахтакор» футбол жамоаси билан боғлиқ. 1961 йил «Спартак» (Москва) – «Пахтакор» (Тошкент) учрашувида «Спартак» таркибида хоккей бўйича жаҳон чемпиони Е. Майоров (кейинчалик машҳур спорт шарҳловчиси) майдонга тушади. Майоровга тўп тушиши билан ишқибозлар уни хоккейчи эканлигини ҳисобга олиб «Шайбу! Шайбу!» деб бақира бошлашади. Шундан бери «шайбу» сўзи ишқибозлар чақируви бўлиб қолди.

Собиқ Иттифоқ ўсмирлар терма жамоаси таркибида биринчи учрашувда, 17 ёшли Биродар Абдураимов қатнашган ва битта тўп киритган. 1968 йили Озарбайжоннинг Кировобод шаҳрида маҳаллий «Динамо» жамоаси дарвозасига Биродар Абдураимов 4 маротаба гол урган.

Машҳур футболчи Геннадий Красницкийнинг зарбаси жуда кучли эди. Собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида Жанубий Америка турнирида ўзининг кучли зарбаси билан дарвоза тўрини тешиб юборган эди. Бу Перунинг «Спортинг кристалл» жамоасига қарши кечган ўйинда юз берган. Перулик журналистлар: «Красницкий ҳайриятки гол киритди. Агар тўп дарвоза тўсинига текканида, унда нима бўларди?» – деган мазмунда мақола ёзишган. Шунингдек, Г. Красницкийга жаҳоннинг машҳур дарвозабонларидан бири Лев Яшин юқори баҳо берган эди. У ўз эсдаликларида дарвозаси учун хавфли бўлган футболчилар рўйхатида Г. Красницкийни ҳам киритган. Красницкий собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида илк бор 1961 йили Польша терма жамоасига қарши кечган ўйинда майдонга тушди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур учрашув чет элдан олиб кўрсатилган биринчи футбол телекўрсатуви эди.

Геннадий Красницкий «Пахтакор» жамоаси таркибида биринчи бўлиб спорт устаси унвонини олган.

1973 йили собиқ иттифоқ чемпионатидаги «Пахтакор» (Тошкент) – «Днепр» (Днепропетровск) учрашувида Б. Абдураимов 2 бор бурчакдан тепилган тўпни дарвозага бураб киритиб юборган. Ўша пайтда «Днепр» жамоаси мураббийи бўлган Валерий Лобановский чапак чалиб юборган эди. Балки машҳур мураббий ўз ёшлигини эслаб қарсак чалгандир. Чунки у тўп сурган даврида аксарият дарвозабонлар Лобановский бурчакдан тўп тепаётган пайтида юрак ҳовучлаб турар эдилар. Негаки, моҳир ҳужумчининг бурчак тўплари кўп ҳолларда гол билан якунланарди.

1975 йили Европа кубоги соҳибига айланган «Динамо» (Киев) ўз майдонида «Пахтакор»га 0:1 ҳисобида мағлуб бўлганда бу сенсация эди. Тўпни Т. Исоқов киритган. Иккинчи давра учрашувида эса Тошкентда «Пахтакор» 5:0 ҳисобда ғалаба қозонган. Бунгача киевликлар клублар бўйича Европа супер кубогини қўлга киритишган эди.

1971 йили «Шахтёр» (Донецк) – «Пахтакор» (Тошкент) жамоалари учрашувида «Пахтакор» биринчи бўлимда 0:3 ҳисобда ютқазаётиб, иккинчи бўлимда эса ҳисобни тенглаштира олган.

«Пахтакор»чилар «Динамо» (Киев) жамоасига қарши жуда кучли ўйин кўрсатишар эди. Масалан, улар 5:0, 3:0 каби йирик ҳисобда ғалаба қозонишганди. 1974 йил Киевда бўлиб ўтган учрашувда 1:1 ҳисоб қайд қилинганда, кўпчилик оммавий ахборот воситалари ҳамда ЦСКА клуби раҳбарлари ўз интервьюларида бу ўйин олдиндан келишилган деб таъкидлагандилар. Бундай дейишларига сабаб уларнинг алами бор эди. Чунки «Пахтакор» жамоаси бундан бир ҳафта олдин ЦСКАни 4:1 ҳисобда мағлубиятга учратган эди.

1995 йили Россия чемпионати якунланганидан сўнг Миржалол Қосимовга «Энг яхши диспетчер», «Энг яхши хорижий футболчи» совринлари қаторида яна бир ғаройиб мукофот топширилди. У дарвоза тўсини ва устунларини энг кўп нишонга олган футболчи, дея эътироф этилди. Яъни, Миржалол «ижро» этган жарима тўпларининг аксарияти дарвоза тўрига тушса, қолганлари тўсин ва устунларга тегиб қайтарди. Бу эса ҳужумчилар учун қулай вазиятни юзага келтирарди.

Абдурашид ҚЎЗИБОЕВ
тайёрлади.

ҲАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

АРПАБОДИЁН

Арпабодиённинг уруғи, ўти, илдизи халқ табобатида қадрланади. Чунончи, у қорин дам бўлганида ўт (сафро) ҳайдовчи, ичакларнинг ўқтин-ўқтин оғришида оғриқ қолдирувчи омил сифатида тавсия этилади. Уруғи сурункали холециститда, ўт-тош ва буйрак-тош хасталикларида даво бўлади. Уруғи ва илдизи иштаҳани очади, йўтални қолдиради, пешоб ва ел ҳайдовчи, шамоллашга қарши восита ҳисобланади. Арпабодиён эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиради. Кўнгил айниганда фойда қилади. Меъда (ошқозон) шамоллаганда малҳамдир. Ёввойи арпабодиён буйракдаги тошни майдалайди, жигар хасталигида нафи бор.

Шарқ табиблари арпабодиён мевасининг қайнатмасини тана ҳароратини туширувчи, мижоз сустлигида, асабийлашганда тавсия қилишган. Табобат илмининг алломаси Абу Али ибн Сино арпабодиённи қиздириб, тутуни ҳидланса, бош оғриғи ва бош айланишини тўхтатишини ўз асарида битиклаган. Шу билан бирга, ўсимликни майдалаб, атиргул мойи билан аралаштирилса қулоқ оғриғига даво бўлишини баён этган. Буюк табиб жигар ва талоқ фаолиятини яхшилашда, безгакни даволашда арпабодиёндан фойдаланган.

Арпабодиён мевасидан қайнатма тайёрлаш учун 1 чой қошиқдаги мевани 200 грамм қайноқ сувга солинади. Паст оловда ярим соат қайнатилади. Сўнгра 3 ош қошиқдан 4 маҳал таомдан олдин ичилади. Арпабодиён мевасидан тайёрланган малҳам гастритни даволашда қўлланилади.

КОВУЛ

Ковул илдизлари турли тўсиқларни эритиб, ўзига йўл оча оладиган кислота ажратиб чиқаради. Шунинг учун ҳатто асфальтланган, бетонли жойдан ҳам ўсиб чиқади.

Ўсимлик таркибида рутин, кверцетин, аскорбин кислотаси (С дармондориси), қанд, йод бирикмаси ва бошқа моддалар мавжуд.

Ковул барги бош оғриганда ишлатилади. Илдиз ва баргларидан тайёрланган малҳам чипқон ва бошқа яраларни тузатишда қўлланилади. Мева қайнатмаси милкни мустаҳкамлайди, тиш оғриғини босади. Илдиз қайнатмаси эса сариқ касаллигида шифо бўлади. Бунинг учун майдаланган илдизидан 10 грамм олиб, 1 стакан қайноқ сувга солинади ва ўн дақиқа паст оловда қайнатилади, кейин тиндирилади. Кунига 2 ош қошиқдан уч маҳал ичилади. Кейинги пайтда ковул илдизининг спиртдаги тиндирма (настойка)си қон ивитишини тезлатиши аниқланган.

Абу Али ибн Сино ковул ўсимлигини нафас қисилиши, меъда-ичак хасталикларини даволашда ишлатган.

Шу билан бирга, ковул ўсимлиги оғриқларни қолдирувчи, гижжаларга қарши омил сифатида ишлатилади. Ўсимлик илдиз пўсти бод хасталигига даво. Шохчалари, барги қанд касали бор кишиларга эм бўлади. Меваси бўқоқ хасталигида тавсия этилади.

Шифобахш гиёҳлар

ДАЛАЧОЙ

Далачойни қизил пойча, чойўт, чой, сариқ чой деб ҳам аташади. Гуллари тилла ранг. У йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, бедазорларда, боғларда, тоғ ёнбағирларида ўсади. Тиббиётда ўсимликнинг ер устки қисми қўлланилади. Халқ табобатида далачой дамламасидан буйрак, қовуқ, меъда-ичак хасталикларини даволашда, қон тўхтатувчи восита сифатида фойдаланилади.

Илмий табобатда далачой иситмалаганда, бевосилда тавсия этилади. Олимлар изланишлар натижасида ўсимликдан флористен деган дори препаратини ажратиб олишга муваффақ бўлишган. Бу дори тури гинекологик касалликларни даволашда ишлатилади.

Далачой грипп, суякларнинг қақшаб оғришида фойда қилади. Тунда пешоб тута олмасликда наф беради. Далачойнинг спиртдаги тиндирма (настойка)си меъда-ичак йўли, бош оғриғи, бавосил хасталикларини даволашда яхши наф келтиради.

Тиндирма тайёрлаш учун 15 грамм қуритилган далачой ўти 40 фоизли спиртга ёҳуд ароққа (200 мл) солинади. 10 кун мобайнида дамлаб қўйилади. Сўнгра 30 томчидан 3 марта кунига ичилади. Ушбу тиндирмадан суюлтириб, милкларни мустаҳкамлашда, оғиз бўшлиғидаги нохуш ҳидлардан халос бўлишда фойдаланилади.

Кесилган, ёрилган ва бошқа тери жароҳатларида далачой мойи ажойиб малҳамдир. Бу мойни уй шароитида тайёрлаш учун 20 грамм янги далачой гуллари 200 грамм кунгабоқар ёғига солиб, омухта қилинади. Икки ҳафта давомида дамлаб қўйилади ва сузилади.

Сўнгра совутилган ҳолда 1/3 стакандан кунига уч марта таомдан олдин ичилади.

ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ

Қалампирмунчоқ халқ табобатида азалдан ишлатиб келинади. Чунончи, буюк табиб Абу Али ибн Сино ўз шоҳ асарида шундай ёзади:

«... Унинг энг яхшиси қуруқ, зайтун данагига ўхшаган, чучук мазали ва ўткир ҳидлисидир. Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Оғиз ҳидини ёқимли қилади. Кўзни ўткирлаштиради, кўзга тушган пардаларга фойда қилади».

Меъда ва жигарни кучайтиради, қайт қилиш ва кўнгил айнаганга фойда қилади. Хитой табобатида қалампирмунчоқни гижжаларга қарши омил сифатида қўллашган.

Қалампирмунчоқ ва мойининг шифолиги қуйидагича:

- **Гунчасининг 3 донаси чой билан ичилса фойда қилади.**
- **Оғиз чайишда, яраларни ювишда қўлланилади.**
- **Таом ҳазмини яхшилайди, иштаҳани очади, қорин дам бўлишида даво бўлади.**
- **Гипертония – артериал қон босимини кўтаради.**
- **Ҳиқичоқни тўхтатиш хосияти бор.**
- **Артрит, неврология, бод хасталигида оғриқни камайтириб, кайфиятни яхшилайди.**
- **Бронхит, шамоллаш, сил, гайморит хасталикларини даволашда малҳам бўлади.**
- **Аъзои-тананинг иммун тизимини оширади.**
- **Тери хасталигида, қичималарида, яралар битиши қийин бўлганда фойда қилади.**
- **Ақлий чарчоқни бартараф этиб, жисмоний тикланишда ёрдам беради.**
- **Айни ёз фаслида турли чивин, ҳашаротлардан сақлайди. Айниқса, бунда мойи ажойиб наф беради.**
- **Қалампирмунчоқ мойидан 5 томчи олиб, 10 мл бирор ўсимлик ёғига аралаштириб уқалаш тавсия этилади.**

Шуни ёдда тутиш керакки, қалампирмунчоқ эфир мойидан 14 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор аёллар, руҳий қўзғалувчан кишиларга қўллаш тавсия этилмайди.

ЧАЁНЎТ

Бу ўсимлик чаёнўт, чақонғич, газанда ўти, сўзанак, қичитқиўт каби номлар билан юритилади. Унинг илмий атамаси лотинча «урере» яъни «чақади» сўзидан келиб чиққан.

Ўсимлик тукчалар билан қопланган. Бу тукчалар танага текканда ўсимлик таркибидан чумоли кислота суюқлиги ажралиб, «чақиб» олади, ачиштиради, терини қичитади.

Ўсимлик гуллаганда барглари қўлқоп билан йиғиб олинади, сўнг соя (кунгай жойда эмас) сўлитилади. Гиёҳ сўлиганда тукларининг чақонғич хусусияти йўқолади. Табобатда кўпинча барги ишлатилади. Янчилган барги бурун қонашини тўхтатади. Бунда зубтурум – баргизуб барги билан омухта қилиб, шираси бурунга томизилса яхши наф келтиради.

Чаёнўт дамламаси, қайнатмаси, шираси меъда (ошқозон), жигар, сил, кўкйўтал, бод, турли қон оқишлар, буйрактош хасталикларида ишлатилади. Халқ табобатида гиёҳ пешоб ҳайдовчи, қон тозаловчи, шамоллашга қарши, яраларни битирувчи омил сифатида қўлланилади. Нонга гиёҳнинг барг кўкини қўшиб истеъмол қилинса, ичбуруққа даво бўлади. Бавосил, кўкрак оғриғи, нафас қисиши ва балғам кўчирувчи, ҳароратни туширувчи восита сифатида тавсия этилади.

Тиббиётда чаёнўт бактерияларга қирон келтирувчи, томирларни торайтирувчи, ёғлар алмашинувини маромга солувчи, темир моддаси, тузларнинг қон ишлаб чиқариш жараёнига яхши наф келтирувчи омил сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, чаёнўт ҳид билиш аъзоси фаолияти сусайганда фойда қилади. Сурункали қабзиятда, гиповитаминоз, яллиғланишнинг олдини олувчи, оналар сутини кўпайтирувчи, паришонхотирлик сингари хасталикларни даволашда малҳам бўлади.

Чаёнўт уруғлари ва илдизлари қайнатмаси ичкетарда тавсия этилади. Ўсимлик баргларидан бир ош қошиқ олиб, устидан 200 грамм қайноқ сув қуйилади. Ва 30 дақиқа дамланади. Тайёр бўлган дамламадан қон кетишини тўхтатишда бир ош қошиқдан кунига уч маҳал ичилади. Соч тўкилганда бу дамламадан бош терисига суртиб, ҳар икки ҳафтада қайтариб турилади ва узоқ муддат давом эттирилади. Шуниси диққатга сазоворки, чаёнўт камқонликда ҳам қўлланилади. У гемоглобин миқдорини ошириш хусусиятига эга.

КИЙИК ЎТИ

Ўсимлик тоғ ёнбағирларининг тошли жойларида ўсади. У тоғли халқларнинг ош кўки, таомларнинг асоси ҳисобланади. Кийик ўти зиравор ҳамдир. Сабзавотларни сақлашда, меваларни консервалашда қўлланилади.

Кийик ўти иштаҳа очади, таом ҳазм бўлишини тезлаштиради. Томоқ оғриғи, меъда фаолиятининг бузилиши, кўнгил айниши, юрак санчиғига даво. Дил ҳапқириғи ва беҳаловатликка таъсир берувчи омил сифатида тавсия этилади. Шунингдек, ичбуруғ, колит хасталикларида қўлланилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ПУЛ, ПИЁЗ, «КАМАЗ»

«Олим» деҳқон-фермер хўжалиги шаҳар ташқарисида, анча овлоқ жойда экан. Лекин соддадил деҳқонлар ишлари тез битаётганидан хурсанд эдилар.

– Қани, меҳмонлар. Бир пиёла чойимиз бор, – деб илтифот кўрсатган бўлди Ўткирбек вагон-уй томонга ишора қилиб. – Марҳамат, камтарона кулбамизга!

– Йўқ, шошиб турибмиз, – деди негадир кўнгли ғашланган Қаҳрамон.

– Амир ака, юринг бўлмаса. Аввал пулни санаб олинг. Юкни кейин тушириб олармиз.

– Ҳай майли, – Амир содда одамлардан эмасми, ҳеч нарсадан шубҳаланмай ичкарига кирди. Вагон эшиги беркилди. Энди у ердан қайтиб чиқиш йўқ.

Бу ерда енг шимариб турган Сафар Дилмуродов дарров Амирнинг оғзини ёпди. Ўткирбек билан Шуҳрат уни ерга босиб, қўл-оёқларини чилвир билан қаттиқ боғладилар.

Зум ўтмай гаражга олиб ўтилган Амир Ғуломовнинг рангида ранг қолмаган эди.

– Иби, акала... Ман нима қилдим сизларга... Пулми, пиёзми, машинами – ана олинг...

Бу деҳқоннинг сўнгги сўзлари эди. У ингичка бўйнига Сафар ташлаган сиртмоқдан бўғилиб, типирчилай-типирчилай жон таслим қилди.

Бу қотилликни амалга ошириш учун кўп вақт кетмади. Лекин ташқарида қолган ота-бола меҳмонлар безовталана бошладилар.

– Вагоннинг ойнасидан бирор нарса кўринмаяптими, ўғлим?

– Йўқ, – деди болакай,

– Амир аканг кириб кетганига ҳам анча бўлди, а?

– Ҳа, – деди болакай. – Зерикиб кетдим.

Аллақандай нохушликни сезган отанинг юраги сиқила бошлади.

– Унда юр, бу ердан кетамиз.

– Хўп, дада.

Улар биргалашиб, келган йўлларидан орқага қайта бошладилар. Вагон-уйдан чиққан Ўткирбек қичқириб юборди:

– Э, гаранглар! Қараларинг, ота-болалар қани?

Уч шотир ҳар томонга югуриб кетишди. Ўткирбек билан Шуҳрат ҳали машина юриб келган йўл томон отилдилар. Беш-ўн дақиқа югуришга тўғри келди. Узоқдан ота-боланинг қораси кўринди.

– Қаҳрамон ака, ҳув, Қаҳрамон ака. Ҳа, йўл бўлсин, – деб сўради узоқдан Ўткирбек пешонасидаги терни рўмолчаси билан артиб.

– Кетяпмиз энди.

– Амир ака сўраяпти.

– Пулни олиб чиқаверсин. Биз кутамиз.

– Шошилманг, энди...

Ота-болага етиб олган Ўткирбек билан Шуҳрат уларни қўярда-қўймас вагон-уйга бошлади. Вагон эшиги яна беркилди.

Эшикдан кириши билан Ўткирбек Қаҳрамонни тепиб юборди.

– Айбим нима, ака?! – деб сўради Қаҳрамон ҳайрон бўлиб. – Нега ураяпсиз мени?

– Нега қочиб кетаяпсанлар?

– ...

– Аданг-ку, шунақа қаҳрамон экан, сан ҳам унга ўхшагинг келдими? – Шуҳрат ўспириннинг қорнига тепди.

– Ўғлимга тегманглар!

Шуҳрат бу гал қулочкашлаб боланинг афтига туширди. Бола ўкирганча гандираклаб бориб боши билан темир эшикка урилди.

– Ўғлимга тегманглар, – Қаҳрамон кўзига ёш олиб ёлворди. – Илтимос, мени нима қилсаларинг ҳам ўғлимга озор бермангглар.

– Ўчир овозингни, нима хоҳласак шуни қиламиз, – деди кўзи қонга тўлган Ўткирбек.

Шу пайт эшик очилиб, Сафар Дилмуродов кириб келди.

– Қочоқлар топилдими?

– Бизнинг меҳмондўстлигимиздан юз ўгирган бу нобакорларни ўлдиринглар!!!

Тўда жаллоди Сафар Дилмуродов енг шимариб, астойдил ишга тушди. Энди у икки нафар кимсани асфаласофилинга жўнатиши керак эди. Одам ўлдириш бу кимса учун чивинни эзғилаб ташлашдек гап.

– Мана бу қочоқлигинг учун болакай, – дея у ўспириннинг нозик бўйнига сиртмоқ ташлади. Болакай миқ этишга улгурмай жони узилди.

– Дадажон!

– Мана бу қўрқоқлигинг учун Қаҳрамон! – деди ва у отанинг ҳам бўйнига арқон ташлади. Қаҳрамон иҳраб йиқилди.

...Кўп ўтмай аъзои бадани тилка-пора бўлган ота-боланинг жасади полда ёнма-ён ётарди.

Бир кунда уч ўлим. Хўш, нимaнинг эвазига? Марҳумлардан икки миллион сўм пул, 12 тонна пиёз ва «КамАЗ» русумли машина қолди. Ўлжалар тўдабоши Ўткирбекнинг ихтиёрига ўтди. Газандалар мурдаларни қопларга жойлаб, Шуҳрат Бобоевнинг сариқ рангли «Доган» машинасида Келес дарёси соҳилига олиб бориб, тош боғлаб сувга чўктириб юборишди...

«ЖИГУЛИ»НИ ЧЎЗ-У, ПУЛИ НАСИЯ»...

Қонхўр тўдага энди икки енгил автомобиль, «КамАЗ» юк машинаси хизмат қиларди. Бироқ бу телба кўнгил нималарни истамайди, дейсиз. Яна машина бўлса, ортиқчалик қилмасди...

Дунёда тирик жон борки, тирикчилик илинжида елиб-югуради. Абдумалик ҳам азалдан машина ишқибози. «Тойчоқ»ларини тез-тез алмаштириб туради. Аниқроғи, машина олди-сотдиси билан шуғулланади. Машина – қиммат мол. Унинг савдосидан келадиган даромад ҳам мўмайгина.

Кейинги пайтларда барча автомобиллар ичида айниқса «Жигули»ларнинг бозори чаққон бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам Абдумалик анчадан буён «Жигули»га «ихтисослашган».

Тошкентнинг энг катта бозори – Отчопар. Унинг бир томонида кенгтина машина бозори ҳам бор. Бу ерда турли русумдаги автомобилларни учратиш мумкин: «Москвич», «Жигули», «Волга», «Запорожец», пулингиз бўлса ҳатто «Икарус» ёки «КамАЗ» сотиб оламан десангиз ҳам топилади.

Сутдек оппоқ «Жигули»сини ясатиб, безаб бозорга олиб чиққан Абдумаликнинг димоғи чоғ. Унинг атрофида кўплаб харидорлар гирдикапалак бўлишяпти. Сабаби, машинаси суқсурдай кўркам, чиройли. Бунинг устига анча янги.

Лекин харидорларнинг ҳам харидори бўларкан. Кўпчилик машинани обдон синчиклаб текшириб чиқади. Сўраб-суриштириб, миниб кўради. Аммо нарх масаласига келганда ўйланиб қолади. Айтган баҳосининг ярмидан пича ошишяпти, холос. Бу ҳам ёмон эмас. Бироқ машинани қисман бўлса-да, таъмирлатиб, бўятиб, безатиб бозорга олиб чиққанининг кироийи эмас. Лекин нарх масаласида шошмаслик керак. Бу бозор бўлмаса, янагиси бор...

Абдумалик шу хаёллар билан турганида, уч ога-инилар «Жигули» атрофини ўраб, машинага астойдил харидор бўлиб қолишди.

– Випускаси нечанчи йил?

– 90-йил.

– Қанча юрган ўзи?

– 50 минг, холос.

– Ну, яхши. Янгигина экан, – деди улардан бири.

– Жуда янгияммас, эскияммас. Дуруст, – деди иккинчиси.

– Қанча девоссиз, оғайни? – сўради барзанги, суяги бузуқ йиғит.

– Бир миллион, холос.

– Яхши, арзонакан, – истеҳзоли кулди бошига соябонли қалпоқ кийган учинчи йигит. – Бўлиши қанча? Гапнинг ўғил боласини айтаверинг.

– Бўлиши...сизлардан-да энди, – деди сиполик билан Абдумалик.

– Хўп, оғайни, қўлни беринг, – деди шу пайт осмондан тушдими-ердан чиқдими – пайдо бўлиб қолган даллол йигит. – Хўш, машинани ким олмоқчи ўзи?

– Мен...

– Исмингиз, ака?

– Ўткирбек.

– Сизники-чи?

– Абдумалик...

– Хўп, бўлишини айтинг, Абдумалик ака?!

– Шу... бир миллион деяпмиз...

– Ками бордир, ахир?

– Ҳа, пича ками бор.

– Сиз қанча берасиз, Ўткирбек ака?

– Ман етти юз минг деб турибман.

– Абдумалик ака, нима дейсиз?

– Йўқ, бўлмайди.

– Нега бўлмас экан?

– Бу камлик қилади.

– Ўткирбек ака, камлик қиларкан. Пича қўшасизми ?

– Йўқ, Энди ман ёмон баҳо айтмадим.

– Кўриниб турибди. Яхши одамдан ёмон гап чиқармиди? Ками бўлса, пича кўпайтирайлик. Ана, саккиз юз бўлсин, нима дедингиз, Ўткирбек ака!

– Йўқ, бўлмайди.

– Абдумалик ака, саккиз юз элликка берасизми?

– Йўқ, ака, яна қўшишсин.

– Ўткирбек ака, қўшамиз экан.

– Э, сиз жуда оширворданг-ку!

– Нима, пул етмаяптими? Ака, оғайниларингиз бериб туришади. Ўзиям анча шўх, бадавлат йигитлар кўринишади.

– Хўш, майли, – деди Ўткирбек Абдумаликка юзланиб. – Бу ёққа юринг, оғайни.

– Ие, ман-чи?! – ажабланди даллол йигит.

– Ҳозир сиз билан ҳам гаплашамиз.

Ўткирбек билан Абдумалик ўн-ўн беш қадам олдинга юриб тўхташди.

– Бу даллол-паллолни қўяверинг, – деди Ўткирбек ўсмоқчилаб. Машинангиз манга ёқиб қолди. Қўлни беринг нақд тўққиз юз минг берганим бўлсин.

Бу гапдан Абдумаликнинг кўнгли анча ёришиб кетди.

– Бор барака! – деб юборди у беихтиёр.

– Ҳозир машинани уйга олиб борамиз. Пулни санаб олгач, тилхат ёзиб берасиз. Ҳужжатлаштиришни эртага қолдирамиз.

– Хўп, келишдик.

... Йўл бошловчининг машинаси шаҳардан анча четга чиқиб кетди. Икки томон кимсасиз дала. Овлоқ жойлар. Бундан Абдумаликнинг кўнгли негадир ғаш тортa бошлади. Абдумаликнинг юзидаги ўзгаришни пайқаган Ўткирбек гапни узоқдан бошлади:

– Менинг уйим ҳам, ишхонам ҳам бир жойда. Фермам бор.

– Деҳқончилик билан шуғулланасизларми?

– Борганда кўрасиз. Бизнинг «бизнес» билан саноқли одамлар шуғулланишади...

– Мана етиб келдик! Бу – бизнинг кошона, марҳамат! – деди Ўткирбек меҳмонни вагон-уйга бошлаб кираркан. – Қалай, ёқдими?

– Уй ҳам, ишхона ҳам денг? – ҳайрон бўлиб сўради Абдумалик.

– Ҳа, ҳозир ишимизни ҳам кўрасиз, – деди Ўткирбек муғамбирлик билан шерикларига кўз қирини ташлаб. – Хуллас, гап бундай, ошна... Ҳозир менга «Жигули»ни сотганинг ҳақида тилхат ёзиб берасан.

– Аввал пулни беринг.

– Аввал тилхат ёз. Пулни кейин оласан.

– Ахир...

– Ёзасанми?

– Йўқ, ман кетдим.

– Демак, ёзмайсан ҳам, кетмайсан ҳам.

Ўткирбекнинг ишорасини кутиб турган тўда жаллоди Сафар Дилмуродов қайралган пичоғини ишга солди...

... Уч оғайни ваҳшийлар Тошкент бозорларини изғиб юришарди. Қовун, тарвуз, хурмо, картошка каби маҳсулотлар, ҳатто бир машина сопол идишлар ҳам қонхўр тўда қўлига ўтди. Эгаларининг жасадлари эса дарё қаърига ташланди.

ШЛАГБАУМ ЁПИҚ

– Тезда изма-из бориш керак. Дарҳол йўлга тушинг. Лейтенант Саидов ҳам сиз билан бирга боради.

– Хўп бўлади, – қисқа жавоб қайтарди капитан Жўрабоев.

– Тафсилотларини ўша жойда билиб оласиз, – давом этди бўлинма бошлиғи, майор Иномов. – Ҳозирча шуни айтишим мумкин: «Бунёдкор» жамоа хўжалигидан «Волга» автомашинаси ўғирланибди. Давлат белгиси ТШ 15-25.

Воқеа жойида автомашина шинаси изидан бошқа нарса топилмади. Далилий ашё ҳам йўқ. Терговчи эксперт билан атрофни ўрганиб юришганда, раис билан бир тўда жамоа хўжалиги аъзолари келишди.

– Машинани ҳар куни шу ерга қўйиб кетардик, ҳеч гап бўлмасди, – сўз бошлади «Бунёдкор» жамоа хўжалиги раҳбари дам ички ишлар ходимларига, дам жамоа хўжалиги аъзоларига юзланиб. – Нега бундай бўлди, ҳеч ақлим етмаяпти.

– Бирор кишидан гумон қилаяпсизми? – сўради капитан Бақоев ўсмоқчилаб. – Яширмай айтаверинг.

– Кимдан гумон қилиш мумкин? Ҳаммамиз кўпдан бери бирбиримизни таниймиз. Ҳалол, меҳнаткаш кишилар... Машинани четдан келган киши ҳайдаб кетган бўлиши керак, – деди ишонч билан хўжалик раиси.

– Ҳа-а, ҳа, – дейишди йиғилганлар бир овозда.

– Дарвоқе, – деди 1-бригада бошлиғи Носир Салимов. – Жамоа хўжалигимиз ҳудудида Тошкентдан келган монтажчилар бригадаси ишлаяпти. Бригадирлари Холиқов деган киши. Ана шу билан гаплашиб кўриш керак.

(Давоми бор).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби молия-иқтисод бошқармаси меҳнатни ташкил қилиш ва иш ҳақи билан таъминлаш гуруҳи бош муҳандис-иқтисодчиси, катта лейтенант М. Хўжановага умр йўлдоши

Ботир ХЎЖАНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Фарғона шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими марказлаштирилган қўриқлаш пульти милиционери, сафдор

Ўткиржон НУРИДДИНОВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бошқарма ШТБИХ ЖТМ катта инспектори, майор П. Мамадалиевга онаси

Санобар МАМАДАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

Истиқлол халқимиз неча асрлар давомида орзу қилиб эришган буюк неъматдир. Ички ишлар идоралари ходимлари буни юракдан ҳис қилишади. Улар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, буюк истиқлолнинг 15 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш, эл-юрт тинчлик – осойишталигини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратларини, билим ва маҳоратларини аямаяптилар. Уларнинг юраклари она-Ватан ишқи, меҳри билан лиммо-лим тўлиқдир.

Суратда: ***ана шундай фидойи ходимлардан бири, пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги «Иттифоқ» маҳалласи профилактика катта инспектори, капитан Абдумўмин Амиров.***

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат учун телефонлар: 139-73-88, 139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz

КРОССВОРД



ЭНИГА: 5. Ҳарбий кийим белгиси. 6. Патрон ва снарядлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган модда. 7. Келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган ҳақ. 9. Галла экинининг тўп гули. 10. Асосан Марказий Осиё республикасида яшовчи миллат. 12. Мамлакатимизда амалда қўлланилаётган иқтисодиёт. 15. Ёзув ашёси. 16. Бирор турдаги энергияни механик қувватга айлантирувчи қурилма. 17. Тоғнинг ўтиш қулай жойи. 18. Қадимий туркий халқлар давлати ҳукмдори унвони.

Бўйига: 1. Бухоро вилояти шаҳри. 2. Сопол идиш. 3. Полиз экини. 4. Россия федерацияси таркибидаги республика пойтахти. 8. Яроқсиз, таъмирлашга мойил асбоб. 9. Сермой, қуруқ мева. 11. Тараф. 12. Бино тўсинининг яна бир атамаси. 13. Электр двигательнинг айланувчи қисми. 14. Хоразмдаги туман.

КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар: 1. Гап бўлаги – 11, 12, 1.

2. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони 18, 14, 10, 2.

3. Берилган ваъда, аҳд – 8, 1, 16, 18.

4. Дили яқин, ҳомий инсон – 5, 6, 4, 17.

5. Миллий безак – 9, 1, 7, 13.

6. XIX асрда яшаб ўтган ўзбек шоири ва хаттоти, «Раъно ва Зебо» достони муаллифи – 3,2,15,3,19.

Энди очқич сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган мумтоз шоир Фаридиддин Аттор ёзиб қолдирган икки мисра ҳикматни билиб олинг.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ОСОЙИШТА МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛАДИ

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Мустақиллик маҳалла тизимининг янгидан-янги қирралари, имкониятларини очиб, янада ривожланишига туртки бўлди, десак янглишмаймиз. Ўтган йиллар давомида ушбу масканнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида қонунлар қабул қилинди, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда унинг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Маҳаллалар ҳокимиятнинг энг ишончли бўғини сифатида тан олинди. Ҳозирда маҳаллада тинчлик, осойишталикни сақлашда фаоллар қаторида профилактика инспекторининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қумариқ», «Янги турмуш», «Хонобод», «Номданак», Дадахўжаев, И. Якубова номли маҳаллаларнинг профилактика катта инспектори, лейтенант Расул Ҳасанов хизмат қилаётган ҳудудда 8200 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

– Айтиш жоизки, фаоллар кўмагида диний экстремизм ва ёшлар орасида аср вабоси бўлмиш гиёҳвандликнинг олдини олишга катта эътибор қаратяпмиз, – дейди Р. Ҳасанов. – Бунинг учун маҳалла ва ҳудудимиздаги 29-ўрта мактабда турли хил тушунтириш ишлари олиб борилиб, учрашувлар ташкил этилаяпти. Яқинда «Ўсмир» тадбири ўтказилди. Туман, қолаверса, «Хонобод» ва «Қумариқ» маҳаллалари ҳудудидан ўтувчи темир йўл транспортлари хавфсизлигини таъминлаш, ҳудуддан ўтаётган поездлар вагонларига ёш болалар келтираётган зарарларнинг олдини олиш, айниқса, ҳаётини хавф остига қўйиб, темир йўл атрофида ўйнаётган ва мол боқаётган ёшларни огоҳлантириш ушбу тадбирнинг асосий мақсади бўлди.

Маҳаллаларда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда профилактика инспекторлари, капитан Қўчқор Пардаев, катта лейтенантлар Жаҳонгир Собиров, Камол Саидов, лейтенант Акмал Содиқов, шунингдек маҳалла посбонларининг хизматлари катта бўлмоқда.

– Шу йил 28 июнь куни тунги соат 01.00 лар эди. Биз «Хонобод» маҳалласи посбонлари Даврон Мўминов, Абдулазиз Шодиевлар билан биргаликда тунги навбатчиликни ўтаётганимизда бир ўғриликнинг устидан чиқдик, – дея суҳбатга қўшилди профилактика инспектори, катта лейтенант Жаҳонгир Собиров. – Маҳалла ҳудудида жойлашган «Қўйлиқ» агрофирмасидан кондиционерни ўмариб чиқаётган Бектемир туманилик Н. Равизни қўлга туширдик ва уни туман ИИБга топширдик.

– Бугунги кунда ҳар қандай муаммо маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда, – дейди «Хонобод» фуқаролар йиғини раиси Абдураҳмон Сулаймонов. – Яқинда бир оилада жанжал келиб чиқди. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи ҳамда профилактика инспектори ёрдамида тушунтириш ишлари олиб борилгани туфайли эр-хотин яраштиб кетишди.

Жорий йилнинг шу кунига қадар икки марта «Арсенал» тадбири ўтказилди. Унда ноқонуний ўқотар қурол, портловчи моддалар сақлаётган шахслар аниқланди. Ёшлар маънавиятини бойитиш замон талабларидан биридир. Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида туманда «Орият» тадбири ўтказилди. Унда «Хонобод» маҳалласи фаоллари ҳам иштирок этишди. Текширувларнинг натижаси ўлароқ, Собир Раҳимов кўчасида яшовчи У. Станислав уйини фоҳишахонага айлантиргани маълум бўлди. Унга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. Ўтган йилнинг 7 ойига нисбатан 2006 йилнинг шу даврига қадар жиноят содир этиш ҳоллари сезиларли даражада камайди. Бунда лейтенант Расул Ҳасановнинг маҳалла фаоллари ва посбонлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эл тинчлиги – юрт осойишталиги. Халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаётган посбонларимиз бор эканлар, тунимиз осойишта, кунимиз эса баракали бўлади.

Баҳодир МУҲСИМОВ.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

Телефон: (371) 139-73-88

Postda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari Ulug'bek Mamadaliyev

Mas'ul kotib v.b. Rahmatilla Berdiyev

Navbatchi: Furqat Xoliqulov

Sahifalovchilar: Zokir Boltayev, Nikita Slavgorodskiy

Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2700. Bosilish - ofset usulida. Hajmi – 6 bosma taboq. 55245 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Ⓝ - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.